Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 11 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 40 (6686)

ЯНГИЧА ТАФАККУР ЗАМОНИ

Ўзбекистон мустақил тараққиётининг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан бориб, эътиборли натижаларга эришаётганлиги мамлакатимиз аҳлини ҳам, жаҳондаги хайрихоҳларимизни ҳам қувонтирмоқда. Шу билан бирга республикамизда кечаётган ислоҳотлар билан боғлиқ равишда бошқарув тизимини такомиллаштириш, раҳбарлик бўғини ишларини фаоллаштириш, раҳбар ходимлар тайёрлашни тубдан яхшилашни ҳам тақозо этаётир. Ана шу маънода Узбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ташкил этилиши тарихий зарурат ва муҳим воқеалардан бўлди.

Ўтган ҳафтада — 3 октябрь куни Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов сўзлаган нутқида мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги эришган энг муҳим натижалар ва навбатдаги устивор вазифалар белгилаб берилди. «Янги билимларни эгалламасдан туриб, бундан ўзгага ҳаракат қила олмаймиз», — деди Президент. Шу маънода академия раҳбар кадрлар тайёрлаш билан биргаликда, янги тафаккур шакллана диган, ўзимиз тўплаган ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажриба ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил териладиган марказ бўлиб қолади. У бутун маориф тизимини ислоҳ қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим.

Узбекистон Республикаси Президенти нутқида мамлакатимиз бугуни ва келажагига дахлдор устивор вазифалар курсатиб ўтилганки, уни халқ таълими тизими муассасаларида урганиш муҳим аҳамият касб этади. Буни ҳисобга олиб, Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мамлакат таълим муассасаларида Узбекистон Республикаси Президентининг «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» нутқини урганиш юзасидан Тадбирлар ишлаб чиқди. Бу машғулотларда Президент нутқини урганиш жараёнини шундай ташкил этиш керакки, ундан сабоқ олган тингловчилар мустақил Узбекистон эришаётган ютуқлардан фахрлансин, янгича фикр юритиб, муаммоларни ҳал этишда иштирок этишни ўзи учун шараф деб билсин, қобилияти ва ишбилармонлигини курсатишга интилиш кайфияти туғилсин.

ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз биродарлар!

Қадрли меҳмонлар!

Сизларни, аввало, мамлакатимиз тарихи ва тақдири учун муҳим аҳамиятга молик бўлган воқеа — Давлат ва жамият қурилиши академияси очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Академиянинг номидан ҳам яққол кўриниб турибдики, бундай академиянинг тузилиши дунё харитасида пайдо бўлган, ўзига хос ва ўзига мос йўли билан дадил қадам қўяётган мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётида давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Хонимлар ва жаноблар!

Дўстлар!

Мен мазкур академиянинг ташкил этилишида фаол меҳнат қилган, бу ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган барча кишиларга чуқур миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок қилаётган азиз меҳмонларимиз — Ўзбекистоннинг янги давлатчилиги барпо этилишида, демократик ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бизга ёрдам берган ва кўмаклашаётган кўплаб хорижий давлатлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатли вакилларига ташаккур изҳор қиламан. Чунки академиянинг очилиши ҳам ана шу жараёнларнинг мантиқий самарасидир.

Биз мустақиллик йўлини танлар эканмиз, ўз ойимизни бунёд этишда икки асосий тамойилга таянишимизни бошидаёқ эълон қилган эдик.

Биринчи, ва энг муҳим тамойил — биз барча ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ўтмишимизни теран ҳис этиб, халқимизнинг руҳиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жиҳатларини, анъана ва урф-одатларини, Ўзбекистоннинг буюк халқи ўзининг кўп асрлик бой тарихи давомида тўплаган ажойиб фазилатларни имкон қадар инобатга олган ҳолда иш тутамиз.

Ўтказилаётган ислоҳотларда миллий ва маҳаллий шарт-шароитни назарда тутиш ва акс эттиришгина биз учун уларни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон бутун дунё учун очиқ ва биз сайёрамизда рўй бераётган жараёнларни теран ва пухта идрок этишга, демократик қурилиш, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш борасида ривожланган давлатлар тўплаган улкан тажриба асосида замонавий цивилизация ютуқлари билан танишиш, европа ва жаҳон ҳамжамиятига янада фаол қўшилишга ҳаракат қиламиз.

Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўплаган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз.

Шу маънода, ўзимиз танлаган йўлнинг энг аввалдаёқ АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция каби иқтисодий жиҳатдан ривож топган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этганимиз, бошқа давлатлар тажрибасини ҳам ўзлаштирганимиз бежиз эмас.

Айни ана шу мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, биз давлатчилигимиз қаддини тиклаш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш имконини берадиган йўлни топдик.

Биз бундан кейин ҳам хорижий мамлакатларда давлатчилик, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларида рўй бераётган янги ижобий ўзгаришларни қунт билан ўрганамиз ва бундан ўзимизга керакли хулосаларни чиқарамиз.

Ана шу тамойиллар давлат ва жамият қурилиши академияси фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Бунда давлатчилик ва жамият қурилишининг мураккаб ва узоқ йўлини босиб ўтган илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ўзлаштириш билан бирга, ўз тарихимизни, халқимиз психологиясининг моҳиятини тушуниш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, танлаган ўз тараққиёт ва ислоҳот йўлимиздан тезкорлик билан илгари силжишга **кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир.**

Бошқа жиҳатдан эса, мустақиллик йилларида давлат қурилиши, жамиятнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш борасида ўзимизда ҳам амалий тажриба тўпланди.

Биз, бир неча бор такрорлаганимиздек, ислоҳотлар йўлининг бошланғич, энг қийин, шу билан бирга энг муҳим босқичини ўтдик. Олдимизда бу босқични батафсил ўрганиш ва таҳлил

(Давоми 2-бетда)

Қарор ва ижро

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ЙИҒИЛИШ

Мустақил мамлакатимизда келажагимиз соҳиби бўлган ёшларни замон руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу муҳим масалага Президентимиз Ислом Каримов катта эътибор бераётир.

6 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг бажарилишига бағишланган йиғилишда айнан шу масала муҳокама этилди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги халқ таълими соҳаси мутасаддилари, жойлардаги қишлоқ ҳунар лицейлари ва бизнес мактаблари директорлари, тадбиркорлик тузилмалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишлар таҳлил этилди, орттирилган ижобий тажрибани қайд этган ҳолда асосий эътибор бу вазифалар жойларда суст бажарилаётганига қаратилди.

Республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ хўжалик вазирликлари, Давлат мулкини бошқариш ва Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси вакилларининг қишлоқ ёшларини касб-ҳунарга йўналтириш, айниқса, уларни тадбиркорлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, В. Чжен сўзга чиқди.

(ЎзА).

ҲУНАРЛИ ЁШЛАР ЭЛ ЗИЙНАТИ

Шу куни эрталаб Тошкент вилояти Қибрай туманидаги ҳунар лицейида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, ҳунар билим юртлари директорлари қатнашди.

Аввало шуни айтиш керакки, анжуманнинг Қибрайдаги ҳунар масканида ўтказилганлигининг ўз сабаби бор эди. Қибрайликлар бу ерда бир неча йиллардан буён деҳқон хўжаликлари учун фермерлар ва бошқа бир қанча касб эгалари тайёрлашда тажриба орттириб келишмоқда. Маълум қуникма ва шарт-шароит мавжудлиги учун Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан касб-ҳунар таълими йўналишини ўзгартириш тез ва осон кечди. Ташкилотчи ва сергайрат директор Шуҳрат Искандаров еткачилигида жамоа аъзолари иқтисод асослари, тадбиркорлик, компьютер назариёт ва компьютер амалиёт синфлари ташкил этишди. Уларни зарур қўргазмали қуроллар, техник воситалар билан жиҳозладилар. Бу ишларга вилоят ва туман халқ таълими булимлари бош-қош булишди. Туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам кўрсатди. Энг муҳими, зарур маблағ ажратилиб, ҳунар лицейи қарор асосида намунали жиҳозланди.

Шундай қилиб, шу йил 1 сентябрида вилоят буйича 176 нафар боладан танлаб олинган 50 ўқувчи янгидан ташкил этилган икки йўналиш — кичиқ ва ўрта корхоналарнинг компьютерда ишловчи ҳисобчилари, шунингдек тадбиркорлик буйича ўқув машғулотларини бошлаб юбордилар.

Семинар-кенгаш иштирокчилари синфхоналарда булишиб, ўқув машғулотлари жараёни билан танишдилар. Шундан сўнг анжуман қатнашчиларининг очиқ мулоқоти булиб ўтди.

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йулдошев сузга чиқиб, ҳукуматимиз қарорининг моҳияти, уни турмушга татбиқ этиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, келгуси вазифалар хусусида гапирди.

Мамлакатимизда босқичма-босқич жорий этилаётган бозор иқтисодиёти аҳолининг аосий қисми истиқомат қилаётган қишлоқ жойларида маиший хизмат курсатиш шохобчалари ва саноатни ривожлантириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни тараққий эттиришга кенг йул очмоқда.

Ҳукуматимиз қарорида худди шу масала — қишлоқда хусусий секторни ривожлантириш, қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш ва рағбатлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий ҳимоя қилишга оид вазифаларни амалга ошириш ва улар бозор иқтисодиёти шароитларида зарур касб-ҳунар ҳамда мутахассисликларни эгаллашлари учун имконият яратиш бош мақсад қилиб қўйилди.

Бу эса таълим муассасалари зиммасига қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари фаолият йўналишини ўзгартириш, уларни тадбиркорлик ўқув марказлари — касб-ҳунар лицейлари ва бизнес мактабларига, махсус ўқув юртларини эса кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун мутахассисликлар тайёрлаш буйича коллежларга айлантириш вазифасини юклади.

Қарорга биноан белгиланган муддатда билим юртлари йўналишларини ўзгартириш буйича Комплекс дастур ишлаб чиқилди. 157 қишлоқ билим юрти енгил ва маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат курсатиш, миллий ҳунармандчилик ва қурилиш, қишлоқ хўжалиги (агробизнес), тадбиркорлик йўналишлари буйича қайта ташкил этилди. Шундай қилиб, билим юртларида 5 йўналишда 80 касб буйича мутахассислар тайёрланади.

Янги йўналишлар, шубҳасиз, билим юрти раҳбарлари ва педагоглар жамоасидан иқтисодий билим асосларини чуқур урганишларини тақозо этади. Шу мақсадда билим юрти директорлари махсус малака ошириш курсларида таҳсил олишди. Педагоглар учун шундай курслар Авлоний номидаги республика малака ошириш курсида мунтазам йўлга қўйилади. Кўриниб турибдики, қарор юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди, ишлар қизитиб юборилди. Аммо асосий ишлар ҳали олдинда. Маорифда ҳамиша пировард натижа муҳим. Ўқувчиларимиз билим юртларини тугаллаб ҳаётга йўлланма олишгач, янги иш этагини тутиб кета оладиларми? Қишлоқда буй курсатаётган кичик ва ўрта корхоналарда «маҳсулотимиз»га қизиқиш уйғота оламизми? Ҳамма гап ана шунда. Биз учун пировард натижа — педагогларимиз маҳорати, ўқувчиларимиз салоҳиятидан касбу камол топган мутахассис тарбиялаш!

Семинар-кенгашда вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, ҳунар лицейлари директорлари ўзаро фикр алмашдилар, қизғин мунозаралар бўлиб ўтди. Бундан буён илғор иш тажрибаларини оммалаштириб бориш, ташкилий-амалий ишларни янада жадаллаштиришга келишиб олинди.

Семинар-кенгаш ишида Узбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Хайриддин Масъудов, Тошкент вилоят ҳокими ўринбосари Дилбар Жаҳонгирова, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, Қибрай тумани ҳокими Акбарали Йўлчиев, туман ҳокими ўринбосари Бибихон Шералиева иштирок этишди.

Махсус мухбиримиз.

«Маърифат» хабарлари

ҚУРУВЧИЛАР МАКТАБ МЕҲМОНИ

Навоийлик мухлисимиз Содиқ Эгамовнинг бизга батафсил маълумот беришича, Қизилтепа туманида аҳолиси анчайин зич жойлашган Ғардиён деган қишлоқ бор. Яна шуниси ҳам борки, қишлоқ мактаби эски бўлиб, талабга жавоб бермай келаётган эди. Тумандаги 214-механизациялашган қурилиш ташкилотининг Фахриддин Валиев бошчилигидаги бир гуруҳ иморатсозлари савобга қўл уришди. Қисқа муддатда ғардиёнликлар учун янги мактаб қуриб бердилар.

Яқинда бу қурувчилар мактабга яна бир бор ташриф буюришди, фақат иш кийимида эмас, ораста кўринишда. Улар мактаб меҳмони бўлдилар. Мактаб жамоаси қурувчиларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, қимматбаҳо мукофотлар топширди.

ЯНГИ БАЙРАМ

Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий боғига ёшлар ташриф буюришди — Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитаси томонидан уюштирилган «Биринчи курс талабалари сайили»да пойтахтдаги 28 та олий ўқув юртларидан келган 700 нафардан кўпроқ илм толиблари байрам қилишди. Тадбирга Республика талабалар жамғармаси ҳомийлик қилди.

Айтганча, бепул салқин ичимликлар ва «музқаймоқ сайили»нинг ташкил этилганлиги байрам кайфиятини янада кўтарди. Бир неча жойдаги саҳналарда мусиқа янграб, олий ўқув юртларининг бадиий-ҳаваскорлик гуруҳлари ижросида концерт намойиш қилинди. Ҳар нечук, талабалар маза қилишди, деб хабар беради байрам қатнашчиси Бахтиёр Ҳайдаров.

БЕҲБУДИЙНИ ЭСЛАБ

Бахмал тумани халқ таълими бўлимида XX аср ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига баракали ҳисса қўшган, ўзбек драматургиясининг асосчиси, бобомиз Махмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди. Кечада ёзувчи ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида халқ таълими бўлимининг етакчи мутахассиси Рустам Эргашев ва услубчи Нурмуҳаммад Иброҳимовларнинг маърузалари тингланди. Болалар ва ўсмирлар ижодий маркази ходимлари Эркиной Кўлиева, Гулнора Умаровалар томонидан ёзувчининг «Падаркуш» драмасидан саҳна кўринишлари намойиш этилди.

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Кўҳна Самарқанднинг Темирйўл туманидаги 79-болалар боғчаси қошида мактабгача тарбия гимназияси очилди. Жажжилар ўзларининг нималарга қодир эканлигини, яъни қобилиятларини бир тарбиячи опаларига намойиш қиладиган бўлишди, бунинг учун гимназияда барча қулайликлар мавжуд. Янги таълим-тарбия маскани ўқув кабинетлари, техник воситалар ва ҳатто тўрт дона компьютерга ҳам эга.

УНВОНЛАР ВА КОМПЬЮТЕР

Тошкент давлат университети қошида С. Сирожиддинов номидаги лицей ташкил топганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан лицей жамоаси собиқ ўқувчилари ва бошқа меҳмонлар иштирокида байрам уюштирди. Файзиёб ўтган байрам сўнгида Халқ таълими вазирлиги ҳамда ТошДУ ректорати томонидан лицей ўқитувчиларининг бир гуруҳи турфа унвон ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Мирзо Улуғбек жамғармаси номидан эса лицей учун бир дона замонавий Америка компьютери туҳфа қилинди, ҳар тугул болаларнинг ҳам «қўли қуруқ» қолмади.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

«МАЪРИФАТ»СИЗ МАЪРИФАТЧИ БЎЛИШ МУМКИНМИ?

Ўқитувчи ўзи яшаётган жамият ва давр дарғаси. Етарли билим, методик маҳоратга эга бўлмаган муаллимлар бундай ишонч-мақтовлардан мустасно, албатта. Узининг қўлида маърифат маштали бўлмаган зиёкор бошқаларни ортидан эргаштириб, мулжалланган манзилга адаштирмай етказа оладими? Биз келажаги буюк бўлган мустақил мамлакат ўқувчи —ёшларининг тарбиячи-устозларимиз. Ўз шогирдларимизни она — Узбекистон қутган даражадаги ворис-ўринбосарлар қилиб тарбиялаш учун қачонлардир шуро даврида олган олий маълумотимиз замон талабини қондирмайди. Узимиз етарли билимга эга бўлмагач, ўқитаётган ўқувчиларимизнинг кейинги тақдири, мустақил ҳаёти қандай бўлиши мумкин? Агар биз шиддаткор, янгилик — ўзгаришларга бой бўлган давр тараққиётидан орқада қолсак, ҳеч ким борлик-мавжудлигимизни тан олмайди. Ана шундай ночор, кераксиз аҳволга тушиб қолмаслигимиз учун ўз севимли касбимизга оид яккаю ягона «Маърифат» газетасини кузатиб, саҳифалаб, ундан маърифий-маънавий куч олиб туришимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Илгари умумтаълим мактаблари билан ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртлари ўртасида «Хитой девори» бор эди. Республика халқ зиёлилари газетаси бўлган «Маърифат» ўша чегарани очиб — яқинлаштириб қўйди. Хизмат миқёси тобора кенгаяётган, айни замонда «Маърифат» ни олийгоҳ домлалари, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар ўқишиб, ўзларини қизиқтираётган савол-муаммоларга қониқарли жавоб излаяпти. Айниқса, тест синов шартлари эълон қилиниши муносабати билан «Маърифат» мухлислари яна ҳам қўпайгани қувончли бир воқеадир.

Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида баъзи ҳамкасбларимиз обуна нархи қимматлашганини баҳона қилиб, ўз нашрларидан узоқлашиб бораяпти. Ирода-эътиқоди, касбига садоқатмеҳри суст бўлган бундай тоифадаги ўқитувчилар қуйидаги саволга жавоб топиб, ўз хатоларини ўзлари тузатсинлар: «Маърифат»сиз маърифатчи чинакам зиёкор бўла оладими?

Ўқ, бўлолмайди!

Н.ЭШҚУВВАТОВ,
Паст Дарғом туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Обуна — 96

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!

Доимий ҳамроҳингиз, яқин дўстингиз ва маслаҳатчингиз, ўз қадрдон нашрингиз — «Маърифат» газетасига шу йил 1 октябрдан 1996 йил учун обуна бошланди. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

Фуқаролар учун:

1 йилга — 492 сўм
6 ойга — 246 сўм
Фуқаролар учун нашр индекси — 64595
Корхона ва ташкилотлар учун:
1 йилга — 648 сўм
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683

Алоқа ва почта хизматлари яқинлиги ва гавжумлиги инобатга олиниб, Тошкент шаҳри учун алоҳида обуна нархи белгиланди.

Фуқаролар учун:
1 йилга — 360 сўм
6 ойга — 180 сўм
Фуқаролар учун нашр индекси — 64595

Корхона ва ташкилотлар учун:
1 йилга — 648 сўм
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «МАЪРИФАТ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ !

ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Боши 1-бетда)

этиш вазифаси турибди.

Қандай ишларни амалга ошира олдик, қайси жиҳатларда фаол ҳаракат қилиб, кўзланган мақсадларга эришдик, қаерда депсиниш рўй берди — буни танқидий кўз билан баҳолашимиз ва зарур хулосаларни чиқаришимиз лозим. Ютуқларимиз нимада, камчиликларимиз нимада эканини аниқ билишимиз керак.

Кундалик тиғиз иш давомида бундай муаммоларни чуқур ва атрофлича таҳлил этишга кўпинча вақт етишмаслиги тушунарли, албатта. Академия эса айнан ана шу ишни амалга ошириши, бундай имкониятни яратиш, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни нафақат илмий жиҳатдан, балки икир-чикирларигача ўрганадиган муҳитни шакллантириши даркор. Давлат ва жамият қурилишини асослаш бўйича илмий изланишларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш орқали уларга юксак малакали мутахассислар нуқтаи назаридан атрофлича баҳо бериш, уларни янада ривожлантириш йўлларини топиши зарур.

Бу ишда ҳам бошқа мамлакатлар тажрибасига суянишимиз лозим бўлади. Чунки биз ҳозирча бу даражадаги мутахассисларни ўқитиш учун ўз ўқув қўлланмаларимизни, ўз ўқув дастурларимизни яратиб улгурганимиз йўқ. Шунинг учун бу ерда биринчи навбатда бошқарув ходимларини тайёрлайдиган йирик ҳорижий марказларнинг тажрибаси, дастурлари ишга солиниши даркор. Бу ўринда анчадан буён махсус курслар, марказлар, махсус ўқитиш модулларининг кенг тармоғига эга бўлган Франция, Германия, АҚШ мамлакатлари тажрибасини эслаш кифоя.

Бундан ташқари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи комиссияси каби халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг институтлари нафақат ўз мутахассисларини, балки собиқ социалистик мамлакатлар учун ҳам ходимларни қайта тайёрлаш бўйича бой тажрибага эга.

Академия — бу оддий ўқув юрти, кадрлар, ҳаттоки раҳбар кадрлар тайёрлайдиган билим даргоҳигина эмас. У янги **тафаккур шаклланадиган, ўзимиз тўплаган ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажриба ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил бериладиган марказ бўлиб қолиши керак.**

Худди шулар янги ўқув дастурлари ва қўлланмаларини яратишда асос бўлиши лозим. Улар академиянинг шаклланиш жараёнида вужудга келади.

Мен юқорида таъкидлаганимдек, академиянинг моҳияти унинг номида мужассамлашган. Унда ҳаммаси акс этган: **у бизнинг давлатчилигимиз, фуқаро жамияти қурилишида, сиёсий, иқтисодий тизимларининг ислоҳ қилинишида, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда тарихий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.**

Худди шу сабабли академиянинг низоми, унинг ташкилий, таркибий, ўқув дастури, энг муҳими, кадрлар билан тўлдириш қоидалари, ўқитувчилар ва тингловчиларни танлаш тизими уни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ва мўлжаллардан келиб чиқиши зарур.

Бу борада жамиятимиз ва иқтисодиётимизни ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларга ва олдимизга қўяётган асосий вазифаларга яна бир бор тўхталиш мутлақо ўринли бўлади.

Биринчидан, бугунги кунда шу нарса мутлақо равшан бўлмоқдаки, инфляцияни бартараф этиш мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда бу — асосий муаммодир.

Инфляция даражасини тубдан пасайтирмасдан, инфляцияни кутиш кайфиятини йўқотмасдан туриб иқтисодий таназзулдаги барча нуқсонларни енгиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва сармоя жалб этиш борасидаги фаоллигини кўтариш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мумкин эмас.

Ушбу йўналишда биз анчагина ишлар қилдик. Республиканинг банк ва молиявий тизими жиддий ўзгармоқда. Тижорат банкларининг яхлит тармоғи вужудга келди. Эмиссияга қарши тартибга солиш бўйича кучли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нархларни янада эркинлаштиришда инфляция даражасини бирмунча қисқартириш имконини берди.

Агар йил бошида инфляция 16 фоиздан ошган бўлса, ҳозирги вақтда у ойига 1 фоиздан сал кўпроқни ташкил қилади.

Бироқ бу кўрсаткич гоят кескин, муҳим иқтисодий муаммони ҳал этишдаги дастлабки қадамлардир. Бугунги кунда ишлаб чиқилаётган макроиқтисодий мўлжаллар шунга асос берадики, келгуси йилда инфляциянинг ўртача ойлик даражасини тахминан уч баравар қисқартириш мумкин бўлади.

Иккинчидан, давлат мулкини хусусийлаштириш ва мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш бўйича бошлаган ишимизни охиригача етказишимиз керак.

Хусусийлаштириш масалаларида биз сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйдик. «Кичик хусусийлаштириш»ни, яъни маҳаллий саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналарини давлат тасарруфидан чиқаришни амалга ошира бориб, биз муайян тажриба орттирдик, мутахассислар тайёрладик.

Булар бугунги кундаёқ сезиларли натижаларга олиб келди. Ҳозир миллий даромаднинг ярмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, савдонинг деярли бутун ҳажмини давлатга қарашли бўлмаган сектор бермоқда. Мазкур сектор узлуксиз ривожланмоқда.

Давлат корхоналарини кенг кўламда акциялаштириш орқали хусусийлаштириш жараёнини тугаллаш яқин келгусидаги муҳим вазифадир. Бу эса, ўз навбатида, Фонд биржасини, қиммати қоғозлар биржаларини кенг ривожлантириш ва эркинлаштиришни, уларни нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам очишни ва ҳар томонлама тарғиб қилишни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни акциялаштириш, очиқ турдаги акционерлик жамиятларини ташкил этиш аҳолининг барча қатламларини ушбу жараёнга фаол жалб қилиш учун кенг имкониятлар очади.

Мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш реал ҳақиқатга айланади.

Хусусийлаштириш жараёнини номигагина ўтказиш бизнинг иқтисодий сиёсатимизга зиддир. Бундан кўзланган асосий мақсад — бутун мол-мулкни уларнинг ҳақиқий эгалари қўлига беришдир.

Мулкчилик муносабатлари масалаларида яқин вақтлар ичида қатъий ўзгаришлар амалга оширилиши керак. Мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қўлига ўтишига эришиш зарур. Фақат ана шундагина унинг эгаси ушбу мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун курашади.

Мулкнинг мулкдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига, бутун мамлакатга фойда келтириб, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига хизмат қилишига эришиш зарур.

Ана шундагина пайдо бўлаётган мулкдорлар синфи ўз мамлакатининг иқтисодиётини мустаҳкамлашдан чинакам манфаатдор бўлади, ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш учун барча ишларни қилади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнларини ва йўналишларини диққат билан кузатиб бораётган киши, шак-шубҳасиз, кичик ва хусусий тадбиркорлик йўлида очилаётган улкан имкониятларни, берилаётган катта эътиборни кўриб турибди.

Бугунги кунда парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилаётган барча қонунлар, Президент чиқараётган фармонлар ва ҳукумат қарорлари, амалга оширилаётган ишларимиз мамлакатда ушбу соҳани жадал ривожлантиришга қаратилгандир.

Ушбу тадбирлар натижасида пайдо бўлган ўрта ва хусусий тадбиркорлар тоифаси яқин келажакда давлатимизнинг ишончли ва мустаҳкам таянчи бўлади, деб умид қиламиз. Бу таянч қуйидагиларни таъминлайди:

— ички бозорни товарлар билан тўлдириш;

— хорижий сармоя ва энг янги технологияларни жалб этиш;

— аҳолининг, биринчи навбатда, ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини кўпайтириш ва пировард натижада республика аҳолиси аксарият қатламининг турмуш даражасини кўтариш;

— ишончим комилки, кичик ишлаб чиқариш ва хусусий бизнеснинг тадбиркорлиги ва изланувчанлиги билан биз жаҳон бозорини рақобатбардошли маҳсулотлар билан таъминлай оламиз. Бизнинг фикримизча, энг муҳими, атрофимизда муҳим ўзгаришлар юз бермоқда — ўзига ишончли, келажакка ишонадиган, мустаҳкам, барча илғор янгиликларни қўллаб-қувватлашга тайёр ижтимоий қатлам — мулкдорлар қатлами ўсмоқда.

Худди шу сабабли биз қонунчилик ва амалий ижрочилик фаолиятимизда тадбиркорларнинг ана шундай тоифасини ривожлантириш учун зарур бўладиган энг имтиёзли шарт-шароитларни яратамиз.

Учинчидан, миллий **валютани мустаҳкамлаш** ҳозирги даврдаги ва яқин истиқболдаги энг муҳим устувор вазифадир. Миллий валютанинг жорий қилиниши билан ҳаётимизда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Миллий валюта, бу — мустақиллик рамзидир. Бизнинг муқаддас бурчимиз эса — ўз валютамизни кучли, бутун жаҳонда ҳурмат этиладиган ва бизнесменлар учун жозибадор валюта қилишдир.

Бугунги кундаёқ бизнинг сўмимизни жорий конвертациялаш таъминланмоқда. У етарли даражада барқарордир. Биз келгуси йилдаёқ уни қатъий валютага эркин алмаштирилишини таъминлашга реал яқинлашдик.

Тўртинчидан, чуқур таркибий ўзгартиришлар қилмасдан, биз ўнлаб йиллар мобайнида тўпланиб қолган иқтисодий муаммоларни ҳал эта олмаймиз, номутаносибликларни бартараф қилолмаймиз.

Фаол таркибий сиёсат — бу стратегик вазифадир. У кўплаб инвестицияларни талаб этибгина қолмай, балки келгусида республикамиз иқтисодиёти қандай бўлиши, биз жаҳон бозорига қандай салоҳият билан чиқишимиз тўғрисидаги аниқ тасаввурга эга бўлишни ҳам талаб қилади.

Бу узоқ вақт талаб қиладиган вазифадир, бироқ уни ҳал этишга бугунги кундаёқ киришиш зарур.

Айнан ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустаҳкиллигини таъминлаш муаммоси энг долзарб бўлиб турибди. Биз умумитифоқ меҳнат тақсимотининг салбий оқибатларидан, бошқа постсоциалистик мамлакатларга хомашё ва технологик жиҳатдан боғлиқ бўлишдан мумкин қадар тезроқ халос бўлишимиз зарур.

Бунинг учун бизда тегишли барча табиий, минерал хомашё, иқтисодий ва энг муҳими — интеллктуал салоҳият мавжуд.

Биз бу соҳада ҳам қисқа муддат ичида салмоқли натижаларга эришдик. Ўз олдимизга қийин, бироқ мамлакат тақдири учун муҳим вазифа — энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш масаласини қўйиб, ҳозир бу муаммони ҳал этиш арафасида турибмиз.

Тузилма ўзгаришлари, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни кенгайтириш туфайли республикамизнинг айрим ресурсларни четдан олиб келишга бўлган эҳтиёжи ҳам сезиларли даражада камайди.

Биз иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартиришга эндигина киришмоқдамиз. Биз ишлаб чиқариш тузилмасини бутунлай қайта кўриб чиқишимиз лозим. Рақобатга бардошли, жаҳон бозорига мўлжалланган тайёр маҳсулот, техник жиҳатдан мураккаб, илм-фан ютуқлари асосида ишланган маҳсулотлар, харидоргир кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устивор вазифалардан ҳисобланади.

Азиз дўстлар!

Биз яхши англаб олишимиз керакки, **ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш** билангина туб тузилма ўзгаришларига эришиш мумкин.

Бунинг учун биз мақбул ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитни яратиб қўйганмиз. Йилдан-йилга хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётгани қувончли ҳолдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий капитал иштирокида автомобил, рангли металлар, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар бунёд қилинмоқда, коммуникация ва алоқа тизимлари қайта қурилмоқда ва янгидан барпо этилмоқда.

Бу маблағлар иқтисодиётимиз тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз беришига кўмаклашади. Эришилган ижтимоий-сиёсий барқарорликни, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳамда республикамизнинг келажагини юксак баҳолаган хорижий сармоядорлар ва сармоя ажратадиган давлатлар ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётимизга ҳар йили тахминан бир ярим миллиард доллардан ортиқ сармоя сарфлаш истагини билдиришмоқда.

Бизнинг вазифамиз — иқтисодиётимизга қўшилган ҳар бир сўм ёки доллар сезиларли даражада рақобатга бардошли маҳсулот ва моддий неъматга айланишига эришишдан иборат.

Яна бир муаммо, кишилар тафаккурини ўзгартириш, эски қолиплар, энг аввало, бюкмандалик кайфиятларидан қутулиш зарур. Жамиятга янгича фикрлай олишга қодир кишилар керак. Биринчи навбатда, ўз иродамизга таяниб, қобилиятимиз ва ишбилармонлигимизга суяниб, ўз куч ва имкониятларимизни тўғри тақсимлаб янги ҳаёт қуришимиз, ҳақиқий келажак учун курашишимиз лозим.

Бугунги кунда гўзал мамлакатимизда маънавий кўтаринкилик кўзга ташланмоқда, жамиятда бунёдкорлик руҳи ҳукм сурмоқдаки, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарур.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта масала, кишиларимиз дунёқарашида, жамиятимизда ватанга меҳр ғояси биринчи ўринда туриши керак. Ҳар қандай иш асосига миллий орият, миллий ғурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган ғурур қўйилиши лозим.

Бу муқаддас тушунчалар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, мана шу юрт, мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги, қони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Ўтмишимиз ва келажагимиз бағишлайдиган мана шу ифтихор туйғуси билан биз янги авлодларни тарбия қилишимиз, ўз миллий давлатимизни қуришимиз лозим.

Давлат қурилиши ҳақида гапирар эканмиз, биз босиб ўтилган йўлни, ҳамма нарса ягона мафкура тазйиқида қотиб қолган догмалар, штамплар ва қолипларга бўйсундирилган собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш юзасидан қилинган ва қилинадиган ишларни танқидий кўз билан кўриб чиқишимиз лозим.

Бу борада ҳозиргача кўпгина иш қилинди, бироқ биз янги давлат ва жамият тузилмаларини шакллантиришда, кўппартиявийликни йўлга қўйишда, сиёсий, ижтимоий ва маънавий тикланишни амалга оширишда, савияни юксалтириш масалаларида, айтиш керакки, ахборот фаоллигини қотиб қолган ҳолатдан чиқариш борасида қилган ишларимиз бу соҳадаги биринчи қадамлардир.

Буни очиқ тан олиш лозим. Бу ўринда социалистик тоталитар тизимдан эркин бозор иқтисодиётига, давлат тузилмаларини демократиялаштиришга ўтиш моделининг ўзини тўла оқлаган тажрибаси амалда мавжуд эмаслигини ҳам қайд этиш адолатдан бўлур эди.

Ҳурматли дўстлар!

Амалга оширилган муайян ишларимизни баҳолаб, олдимизда турган улкан вазифалар хусусида гапирар эканман, ўтказаётган ислоҳотларимиз йўлининг муҳим бир хусусиятига тўхталмоқчиман.

Биз бошданоқ ислоҳотларнинг машҳур моделларидан нусха олишдан воз кечдик. Ўзимизнинг йўлимизни танладик, ислоҳотлар жараёнига асос бўлиши лозим бўлган тамойилларни аниқ белгилаб олдик.

Тўғрисини айтиш керак, бизнинг ислоҳотлар қайси йўналишда бориши лозимлиги масаласига ёндашувимиз ва нуқтаи назаримиз дастлаб хорижда унча хушлангани йўқ. Дастлабки уч йил давомида бизни консерваторликка мойилликда айблаб, бизга иш юритишни ўргатиш ва ҳатто ишимизга тузатиш киритиш майллари ҳам кўриниб турди. Бироқ, ҳаёт ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Бугунги кунда охир-оқибатда ким ҳақ бўлиб чиққани, қайси модел самарали ва прогрессивроқ эканига амин бўлиш имкони бор.

Мисол учун оладиган бўлсак, собиқ социалистик макондаги бошқа мамлакатларда ҳақиқий ҳаёт ва шаклланган турмуш тарзини ҳисобга олмасдан, ўзгаларнинг тавсиясига кўр-кўрона эргашиш нималарга олиб келганини ҳамма кўриб турибди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги **«Фалаж қилиб даволаш»** билан боғлиқ барча уринишлар давлат бошқаруви таъсири сезилмаслиги, шу билан бирга, бозор иқтисодиётини амалга оширадиган зарур ташкилотлар, яъни бозор инфраструктураси ташкил бўлмаганлиги кўп жиҳатдан салбий натижаларга олиб келиб, бир қанча мамлакатлар учун ҳалокатли оқибатга ҳам айланди. Ислоҳотларни бошлаш пайтида кўпчилик эски нарсаларни тезда бузиб ташлаш, бозор муносабатларига шошилинч равишда ўтиш кишини бир зумда бой қилиб юборади, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратади, деб ўйлаганлар ҳам оз эмасди.

Бироқ, зарур шарт-шароитнинг мавжуд эмаслигини, бир сўз билан айтсак, ҳаёт ҳақиқатини рад этиш бу каби хомхаёлларнинг рўёбга чиқишига йўл қўймади.

Бошқа мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтиш даврида дадил чоратадбирлар билан бозор тузилмаларини ривожлантиришда кўмаклашишга қодир **фаол ислоҳотчи — давлат зарур** экан.

Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқладики, бозорни қўллаб-қувватловчи механизм ва тузилмаларни барпо қилмасдан туриб, тегишли шароит туғдирмасдан туриб, режали иқтисодиётдан бозор тизимига ўтишни амалга ошириб бўлмайди.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса кучли, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ходимлар керак. Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз. Бу эскича фикрлаш юкидан холи бўлган янги ҳодимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади. Таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялаш мутлақо янги тизим ишлаб чиқариш зарур. Сифат жиҳатидан бутунлай янги ўқув дастурлари яратилиши даркор.

Биз яхши биламизки, бугунги талабларга бутунлай жавоб берадиган, олдиндан тайёрлаб қўйилган мутахассислар ва раҳбарлар йўқ. Ҳаммамиз ҳам ўтган замондан, ўтган тизимдан чиққанимизни тан олишимиз керак. Ва бизнинг қонимизда эскича қолип, эскича фикрлашнинг муайян асоратлари борлигига ҳам иқрор бўлишимиз шарт.

Шу билан бирга, яхши англаймизки, янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қилмасдан ўз олдимизга қўйган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиз.

Хўп, масала шундай қўйиладиган экан, табиий бир савол туғилади, яъни янги, замонавий мезонлар билан фикрловчи одамлар, ходимларни тарбиялаш учун, бу ишни давлат йўлига қўйиш борасида нималар қилдик?

Албатта, бизнинг олий ўқув юртларимиз, бошқа илм даргоҳлари давлат қурилишининг бу муҳим соҳасига ёндашувларни ўзгартириш бўйича кўп иш қилмоқда. Ҳаёт тажрибасининг ўзи ҳам бугунги талабни тушунадиган кўплаб раҳбар ва мутахассисларни тарбияламоқда. Бундай мисолларни кўп учратиш мумкин. Лекин, очиғини айтганда, ҳар хил қолиплардан холи, мутлақо янги давлат барпо этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқарувини эплайдиган, ижтимоий тараққиётга ривож берадиган, уни мустаҳкамлайдиган мутахассислар ва фидойи одамларни тарбиялашга ҳануз киришганимиз йўқ.

Менинг фикримча, бугунги кунда бу соҳа — кадрлар тайёрлаш иши маблағ сарфлашда энг даромадли бўлган соҳага айланмоқда. Чунки, бу тармоқ эртага ҳар қандай давлатнинг, халқнинг, миллатнинг тараққиёти учун зарур бўлган олтин омил — етук мутахассисларни бера бошлайди.

Бу, албатта, алоҳида мавзу, лекин мен бу гапларни шунинг учун айтяпманки, академия айнан ана шу масалаларни ҳал этиш мақсадида ташкил қилинмоқда.

Академия ташкил этиш, бу шунчаки орзу, мода ортидан қувиш, янги бир институт ташкил этишга интилиш эмас, балки табиий зарурат, қонуният тақозоси ва ҳаётий эҳтиёждир.

Биз ўтган йиллар давомида тўпланган тажриба ва билимлардан фойдаланиб, маълум маррага етиб келдик. Ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги бундан буёнги олға силжишимиз тобора қийин муаммога бориб тақалиши мумкин: у ҳам бўлса юксак малакали ходимларнинг, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат идоралари, банк ва молия тизимини бошқарадиган даражадаги раҳбарларнинг етишмаслигидир.

Шуни яхши англашимиз керакки, энди пайпаслаб юриб олға силжиш мумкин эмас. **Янги билимларни эгалламасдан туриб, бундан буёғига ҳаракатлана олмаймиз.**

Академиянинг вазифаси фақатгина муайян нафар кадр тайёрлаб беришдангина иборат эмас, балки у ўзининг илмий, педагогик салоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислоҳ қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим.

Хорижда ўқиш учун қанча одам юбормайлик, хорижлик дўстларимиз кадр тайёрлашда қанчалик ёрдам бермасин, биз ўзимизнинг ўқув дастурларимиз ва аҳолини маънавий тарбиялаш дастурларини қайтадан кўриб чиқмас эканмиз, ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Вақт ўтиб бормоқда. Бизнинг ўрнимизни босадиган янги авлод етишиб чиқмоқда. Масаланинг моҳияти улар ҳаётига қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир.

Улар қайси ғояларни олға суради? Қандай маънавий қадриятларни афзал кўради? Ахир, гап биз мамлакат тақдирини ишониб топширадиган янги авлод ҳақида кетмоқда.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Академиянинг асосий вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Улар энг аввало қуйидагилардан иборатдир:

давлат, ижтимоий ва хўжалик тузилмалари ходимлари орасидан талантли, интеллектуал иқтидорли тингловчиларни танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва малака даражасини ошириш, **уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш.** Бу академиянинг асосий вазифасидир.

Шунингдек, академия олдига бошқа вазифалар ҳам қўйилганки, улар қуйидагилар билан боғлиқдир:

— раҳбар кадрлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг янги тизимини ишлаб чиқишда ва жорий этишда қатнашиш;

— давлат ва ижтимоий қурилишни, иқтисодий ривожланишни такомиллаштириш, психология ва социология, соҳаларда илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек кадрлар сиёсатини такомиллаштириш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш;

— кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолияти соҳалари бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар ва тавсияномаларни экспертизадан ўтказиш.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, академияга кадрларимизни тайёрлашда қатнашиш учун ҳорижий мамлакатларнинг таниқли ўқув ва илмий марказларидан машҳур олимлар ва мутахассислари жалб этиш ҳуқуқи берилган.

Ўқув жараёнида тингловчиларнинг ривожланган ҳорижий мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибаларни, ҳорижий тилларни ўрганишга, Ўзбекистоннинг тарихий мероси ва миллий анъаналари соҳасидаги билимларни эгаллашига эътибор қаратилади.

Таълим беришда раҳбар кадрларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий ва профессионал ўстириш масалалари муҳим ўрин тутади.

Биз уларни етакчи ҳорижий ўқув ва илмий марказларда, халқаро ташкилотлар ва фирмаларда тажриба ўрганишларини ташкил этишни назарда тутганмиз.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаганлар раҳбар ходимлар билан таъминлашга резерв бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам дўстлар!

Шунга ишончим комилки, бу борада кўп нарса академияда ишлайдиган, ўқитадиган ва унга раҳбарлик қиладиган мутасаддиларга боғлиқдир.

Бу борада ҳам бизда қўйилган талабларга жавоб берадиган тайёр кадрлар, профессор-ўқитувчилар таркиби йўқ. Буни биз тушунамиз.

Шу сабабли, ишонаманки, академиянинг мураккаб фаолияти давомида унинг ўқитувчилар таркиби мустаҳкамланиб ва кучгайратга тўлиб боради.

Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон, аввало, ўзи ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт. Замон талаблари шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, ҳорижий мамлакатлар тажрибасини, биз энди бошлаган йўлни илгари босиб ўтган давлатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарур. Буни амалга оширишда ҳорижий тилларни пухта эгаллаш керак.

Шу билан бирга, мен академия фаолиятига амалий ишда бой тажриба орттирган олимларимиз ва профессорларимиз, халқаро ва ҳорижий ваколатхоналар ва элчихоналар раҳбарлари жалб этилишини истардим.

Бугунги ҳаётимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш борасидаги ҳар қандай қимматли ғоялар ва фикрлар соҳиблари билан учрашиш, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, нафақат академия тингловчилари учун, балки унинг ўқитувчилари учун ҳам бутун бир мактаб бўлиши муқаррар.

Бу борада мен сиз, ҳорижлик ҳамкасбларга ва дўстларга жуда катта умид билан қарайман. Биз ҳорижий меҳмонларга, Европа ва Америка олимлари ҳамда амалиётчиларга катта умид билдирамиз. Ўзбекистондаги ижтимоий ва давлат қурилишининг барча соҳалари бўйича ўзларининг қизиқарли ғоялари ва тавсияномаларини академия билан бақам кўришни хоҳлаган Германия, АҚШ, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлар билан ҳозирдаёқ келишувлар мавжудлиги бизни қувонтиради ва бу таклифларни миннатдорлик билан қабул қиламиз

Ишончим комилки, академия аудиторияларидаги ўқитишнинг бундай тизими, олиб бориладиган эркин мулоқотлар ўзининг керакли самарасини ва натижаларини беради, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Биз яхши биламизки, турмушда ҳамма нарсанинг ўрнини ҳаётий зарурат белгилайди. Ҳаётий зарурат бўлмаса, маънавий эҳтиёж бўлмаса, бошланган ишлардан бирон бир самарали натижалар кутиш амримаҳол.

Бугунги кунда халқимиз асрий орзуларининг рўёбга чиқиши ва мустақил давлатчилик асосларини бунёд этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда биз бой тарихий меросимиз, анъаналаримиз, ижтимоий қадриятлар, давлат қурилиши борасида ривожланган мамлакатлар эришган тажрибаларга таяниб миллий давлатчилигимиз пойдеворини қўйдик. Бозор иқтисодиётига асосланган адолатли жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич илгари бормоқдамиз.

Мамлакатимиздаги барқарор тинчлик, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва осойишталик, иқтисодий ислоҳотлар ўтказишдаги изчиллик бунинг ёрқин далилидир.

Эндиликда одамларимиз ижтимоий, иқтисодий, маданий ислоҳотлар борасида юргизаётган мустақил давлатчилик сиёсатимиз моҳиятини тобора теран англаб етмоқдалар. Қўлларини ва руҳий-маънавий интилишларини боғлаб турган кўзга кўринмас кишанлардан, мустабидлик асоратидан озод бўлмоқдалар.

Албатта, бу осон ва енгил кечадиган жараён эмас. Бинобарин, оёғи ердан узилган, хомхаёллардан озиқланган собиқ шўролар мафкураси яратган бу кишанларни парчалаб ташлаш, қуллик мафкурасидан халос бўлиш ҳар бир фуқародан мустаҳкам ирода, ўткир сиёсий онг, ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик талаб қилади.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир.

Халқимизда «ўн қўшчига бир бошчи», деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, халқимиз азал-азалдан ўз етакчиларига қаттиқ ишонган, ихлос қўйган.

Шу ўринда бугунги ҳаётимиздаги муайян бир номутаносибликни ҳам очиқ эътироф этишимиз керак. Бошқарувнинг қуйи қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-ҳаракатлар бор, лекин бу олижаноб майл ва ҳаракатлар ўрта ва юқори бўғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, тўрачиликни ўзларига касб этиб олган лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, қўланкасини майдон ҳисоблайдиган, янгиликка йўл бермайдиган ношуд кимсаларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Бизнинг қатъий фикримиз шуки, бундай кишилар ё танқиддан зарур хулоса чиқариб, тез орада ўз фикр ва савияларини ўзгартирадилар, ёинки биз уларнинг бутунлай баҳридан ўтамиз.

Шонли тарихимизда буюк давлатчиликка асос солган соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида: **«Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради», деб ёзган эди.**

Азиз дўстлар! Халқимиз мустақил мамлакатимиз келажагига катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бу катта умид ва ишон замирида бой тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз, адолатли жамият қуриш асослари, жонажон Ўзбекистонимизнинг Оллоҳ Таолло инъом этган табиий бойликлари, томирида улуғ аждодлар қони жўш ураётган ёш авлод салоҳияти мужассам.

Ана шундай эзгу орзу-ҳаваслларимиз ижобат бўлишига давлат ва жамият қурилиши академияси ҳам муносиб ҳисса қўшади, дея ишонч билдиришга ижозат бергайсиз!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ўқишларингизда омад, илмий-педагогик фаолиятларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман!

ИМТИЁЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Расмий бўлим

1995 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Республика халқ таълими ходимлари куни муносабати билан педагог ходимларнинг катта гуруҳини мустақил Ўзбекистоннинг нуфузли орденлари ҳамда фахрий унвонлари билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Юксак мукофотлар педагогларимизни маънавий рағбатлантириш билан бирга уларга бир қанча муҳим имтиёзлар ҳам беради. Жамоатчи мухбиримиз Рашид ТОШМАТОВ Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ходимлар бошқармасининг бошлиғи Ҳабибулла НЎЪМОНОВга шу хусусда бир қанча саволлар билан мурожаат қилди.

— Ҳабибулла Нўъмонович, юртбошимиз Ислом Каримов фармонига кўра республикамиз педагог ходимларининг катта гуруҳи ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар таркиби ҳақида нималар дея оласиз?

— Республикамиз Президентининг 1993 йил Фармонига биноан, ҳар йили октябрь ойининг биринчи якшанбаси диёримизда Халқ таълими ходимлари куни деб белгиланган эди. Эндиликда бу анъанавий касб байрами бўлиб қолди.

Ўтган йили шу байрам муносабати билан 138 нафар педгог ходимлар орден ва нишонлар, фахрий унвонлар билан мукофотланган эдилар.

Бу йилги байрам ҳам юзлаб мураббийлар учун қўшалоқ шодиёнага айланди. Шу йил 29 сентябрда имзоланган Президентимиз фармонига биноан 100 нафар педагог I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Ҳамда 156 кишига «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», 156 кишига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мукофотланганларнинг 86 фоизини оддий ўқитувчилар ташкил қилади. Бу ҳук

Маорифимиз фидойилари

УНИ ТАНИР ЎЗБЕКИСТОН ЁШУ ҚАРИСИ

Машҳур муаллим — устоз Ҳасанхон Исломов 1870 йилда Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги «Обиназир» маҳалласида Мир Алишо Охунд ўғли Мир Исломшо домла оиласида дунёга келган. Мадрасани тугатгач, 25 ёшида отадан оқ фотиҳа олиб, 1895—1896 ўқув йилидан бошлаб ўз ҳовлисида мактаб очиб мустақил муаллимлик — домлалик қила бошлайди...

Атоқли педагог Ҳасанхон Исломов таваллудига 125 йил, педагогик фаолиятига 100 йил тўлиши муносабати билан унинг фарзанди Қамариддин махзум Ҳасанхон ўғли Исломов билан суҳбатлашдик.

— Падари бузрукворимиз Ҳасанхон Исломов илмни қадрлаган оилада дунёга келган. Отаси ўз замонасининг етук илмли кишиси бўлган.

Отамиз илм-маърифат ва дастлабки сабоқларни ўргатган, борлиқни танитган, маърифатга илк ҳавасини уйготган онадан эрта жудо буладилар ва бобомиз Мир Исломшо Охунддан сабоқ олиб кўп нарса урганадилар. Фузулий, Навоий, Аҳмад Яссавий, Машраб, Бедил каби классикларнинг асарларини, шунингдек, кенг маънодаги дунёвий билимларни бувамизнинг бой кутубхонасидаги ҳамда боболари Аҳмад Маҳдум эшон хоналонидаги нодир китоблардан ўқиб ўрганадилар. Мадрасани тугатгач, муаллимлик — домлалик қила бошлайдилар. «Обиназир» маҳалласидаги мазкур мактаб шаҳарнинг уша вақтидаги рус ҳокимлари томонидан расмий равишда руйхатга олинган.

— Домланинг мактаби қандай шаклланган, ўқитиш услуби қай тарзда такомиллашган. Унга уша давр зиёлилари — жадидларнинг таъсири бўлганми?

— Ҳасанхон домланинг мактаби дастлаб бир синф хонасидан иборат бўлган. Кейинчалик турт синф ташкил қилинган.

Шу қуйи мактаб йилдан-йилга кенгайиб боради. Сабаби: отамиз ўқитишнинг эски услубидан воз кечиб, янгича йўл тутганлар. Болалар тез савод чиқарган, ёзишни тез ўрганганлар, яъни болаларни гуруҳ-гуруҳга бўлиб (ҳозирги синф шаклида) ўқитганлар. 1912 йилда Қарқара (ҳозирги Павлодар) шаҳридаги дунё ярмаркасини томоша қилиш баҳонасида у ердаги татар мактабларининг ишини синчиклаб урганадилар. Мана шу ҳолат отамизнинг уша вақтдаёқ эндигина оёққа туриб келаётган жадидлар таъсирида бўлганидан яққол далолат беради. Отамиз шогирдларидан бири «Айрилиш» маҳаллалик машҳур адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Солиҳ Қосимов 1970-80 йилларда жадидизм ҳақида тайёрлаган илмий ишида ҳам Ҳасанхон домланинг номини тилга олиб ўтган эди.

Қарқарадан Тошкентга қайтгач, ташқари ҳовлидаги теракзорни кесиб, улардан тахта тилдирадилар ва болалар ўтирадиган ўриндиқлар ясатадилар. Энди талабалар ерда — бўйра устида ўтирмайди, балки тахтадан ясалган ўриндиқда ўтиради. Ҳарфлар катта тахтага ёзиб ургатилади. Буни кўрган айрим мутаассиб кишилар «Ҳасанхон домла болаларни урисча ўқитаяпти» деб фарзандларини мактабга юбормай ҳам қўйишган. Лекин кўпчилик, ҳатто бошқа маҳаллалардан ҳам болалар шу ерга келиб ўқиган. «Мен домланинг мактабларига уч чақирим жойдан келиб сабоқ олардим» деб ҳикоя қилганди машҳур ўзбек жарроҳи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Одил Шарипович Шокиров.

— Домла мактаб эҳтиёжини барча нарсадан устун қўйган эканлар. Бунга унинг ўз касбига садоқатлилигидан, миллат фарзандлари саодати, камолоти йўлида изланганлигидан, илмни юксак қадрлаганлигидан, деб қарамоқ керак. Шундай эмасми?

— Ҳасанхон домла чиндан ҳам ўз касбига садоқатли инсон эди. Қаердаки мактабга, таълим-тарбияга фойдаси, нафи тегадиган ишни кўрса, илгаб олиб, ўз ишида фойдаланарди. Унинг асосий мақсади — Миллат фарзандларини илм-маърифатли қилиш эди. Чунки «Маърифатсиз халқ қулликка маҳкум», деган иборани домла ўз яқинларига кўп таъкидларди. Ёки бирон ўқувчини койиса, «Менга қара, болам, яхши ўқи, саводли бўл — келажак сеники. Аксинча, саводсиз қолиб кетсанг, ҳатто ҳаммолчилик ҳам қилолмайсан. Ахир, бир одам бир юкни бериб фалон манзилга элтиб беринг, деб хат ёзиб берса, ўқишни билмасанг, ана ушанда биласан илм қадрини» деб ўқувчига обдон тушунтирарди, ўз ўқувчиларини зимдан пухта ўқитарди. Ҳар қалай ҳалол меҳнат зое кетмас экан. 1927 йил октябрь ойида Узбекистоннинг маориф учун олти зиёлисига, шу жумладан, бу соҳада 33 йил хизмат қилган Ҳасанхон Домлага ҳам Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

Ҳасанхон домла Исломов 1935 йилга қадар мазкур мактабда мудир, илмий бўлим мудири, бошланғич таълим муаллими бўлиб ишладилар. Уша йили 40 йиллик меҳнат стажи билан пенсияга чиқдилар. Шундан кейин Шайхонтоҳур туманидаги «Обиназир» (собиқ «Қизил Шарқ») маҳалла комиссиясининг секретари, раиси, туман фахрий кексалар қўмитасининг раиси бўлиб хизмат қилдилар. 1950 йил 28 ноябрда вафот этдилар.

— Муаллимликнинг юки оғир. Бундан ташқари Ҳасанхон домла меҳнат фаолияти оғир йилларга тўғри келган. Шу ҳақда нималар дея оласиз?

— Йигирманчи йилларнинг охирида авж олган қулоқ қилиш кампанияси даврида маҳалла аҳолисини мана шу машъум тўфондан сақлаб қолиш йўлида зимдан олиб борилган курашлар, озгина эҳтиётсизлик қилинса, ҳаёт билан хайрлашув хавфи отамизни анча эрта қаритиб қўйди. Энг қувонарлиси шуки, «Обиназир» маҳалласида бирон киши ҳам «қулоқ» қилинмади. Маҳалла кексалари ҳали-ҳали «бу раҳматли Домланинг саъй-ҳаракатлари натижаси эди», деб юришади.

Ҳозирги вақтда домланинг уч юзга яқин ўғил-қиз, невара, чевара, эваралари, келин-кўёвлари олим, табиб, жарроҳ, муаллим, муҳандис, бинокор, мураббий, ишчи ва деҳқон бўлиб халққа хизмат қилаётирлар. Энг қизиғи шундаки, домланинг авлодларидан 200 га яқин киши ота касбини эъзозлаб келмоқдалар.

— Шахсий ибрат чинакам ватанпарвар инсоннинг ғўзал фазилати саналади. Домланинг ажойиб хислатлари тўғрисида академик шоиримиз Ғафур Ғулом асар битган дейишгани ростми?

— Домла чинакам зиёли, ватанпарвар, ажойиб, ташкилотчи инсон эдилар. Уруш бошланганида халқ орасида жуда катта тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бордилар. Уша йиллари унинг номи жумҳурият аҳолиси орасида Ҳасан ота бўлиб донг таратган эди. Бунинг ўзига хос тарихи бор. Домланинг 1939 йилда Қизил Армия сафига чақирилган ўғли Сирожиддиннинг урушда ҳалок бўлгани ҳақида 1941 йил 24 июлда «қора хат» келади. Ватан бошига тушган мусибат олдида бу шахсий мусибат ҳеч қанча эмас, деб билган Ҳасан ота Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Уқчи қишлоғида география муаллими бўлиб ишлаётган ўғли Зуҳириддинни Тошкентга чақириб олади ва Октябрь тумани ҳарбий комиссариатига олиб боради: «Фронтда ҳалок бўлган акасининг ўрнига душмандан акасининг қасосини олади. Уни армияга ёзиб қўйинглар», дейдилар...

Домланинг уша уруш йилларидаги ҳаётларига доир бир қанча бадиий асарлар ҳам яратилган. Жумладан, ажойиб ўзбек шоири академик Ғафур Ғулом у киши ҳақида катта шеърий асар яратишга бел боғлагани маълум. Бироқ асар бизга номаълум сабабларга кўра, тамомланмаган. Унинг қўлёзмалари орасида мана бундай сатрлар мавжудки, улар Ҳасан отанинг қиёфасини озмиқўпми бизга очиб беради.

Етмиш ёшни ўтиб кетган бегидиру бегубор,
Аммо ёниқ кўзларида мустаҳкам виқор.
Кўра олур ерда ётган бир игнани-да,
Нимдошгина парча гулли гупши эгнида.
Қиш кунлари кийиб олур қиргизча телпак,
Иргай асо қўлда бўлса жуда югурдак.
Афсонавий Хизр каби ҳар ерда ҳозир,
Халқи учун хизмат бўлса тепада нозир.
Баъзан-баъзан у Рустамдан бошлар ҳикоя,
Таърихларга шўнғиб кетар биллониҳоя.
Ёзилмади керак эмас унинг адреси,
Уни танир Ўзбекистон ёшу қариси.

— Отангизнинг шеъриятга мойиллигини сезгансизми? Умуман, у асос солган мактабдан етишиб чиққан фидойи инсонлар, илм масканининг ҳозирги ҳаёти ҳақидаги таассуротларингиз қандай?

— Шу юртнда ўзбек халқининг севимли фарзанди Ҳасанхон домла ҳам замонасининг олиму фузалолари, шоирлари билан яқин алоқада эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Шу боис бўлса керак, ташқари ҳовлимизда тез-тез ғазалхонликлар бўлиб турарди. 20-йилларнинг охиридаги бир воқеа ҳамон эсимда: отамнинг дўстлари йиғилишиб ғазалхонлик авжида эди, тўсатдан кўча эшикдан «Отим тут Ҳасан махзум Ғуломимсан» деган овоз эшитилди. Отам югуриб эшик олдига бордилар ва «Ҳайбатингдан қўрқаман, Хислат ўзимга ошино» деб жавоб бердилар. Улфатлар ҳовлимни бошга кутаришиб кулишди. Маълум бўлишича, шоир Хислат (Ҳайбатилло эшон) келган эканлар.

Дадамнинг Юсуф Саремийга, кўкчалик машҳур Этемас эшонга, табиат манзаралари, сайроқи қушларга бағишланган анчагина ғазаллари ҳали ҳам борки, улар ўғил-қиз, невара-авараларга бадиий ижоднинг илк илҳоми бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳасан ота Исломов халқ ўқитувчиси фахрий унвонига эга эди. Ватан, халқ олдидаги хизматлари учун домла «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медаллари ва Узбекистон Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Қизиғи шундаки, Ҳасанхон домла 1895 йилда барпо этган уша ибтидоий мактабдан Кўкча даҳасидаги ҳозирги деярли ҳамма мактаблар аввал филиал, кейин мустақил бўлиб ажраб чиқиб кетган. Шулардан биринчи бўлиб 1924-25 ўқув йилида ажралиб кетгани 41-мактаб бўлди. Унинг биринчи мудири (директори) Ҳайитбой Тоғаев эди. Бу мактабда номи 38-мактабга берилган Ҳаким Мусаев қариб 36 йил раҳбарлик қилди. Ўз вақтида Мақсуд Асимов, Қутбиддин Илёсов, Марҳамат, Умархўжаева, Аъзам Сирожиддинов, Наби Жабборов, Жалил Иноятов, Ҳабиб Турсунов, Муҳаббат Расулова каби моҳир педагоглар минглаб болаларга таълим-тарбия беришди. Мактабнинг халқ хўжалигининг турли жабҳаларида баҳолиқудрат ҳалол меҳнат қилаётган собиқ талабалар ундан ҳам кўп. Мана улар — Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Мирҳожи Асқаров, фан докторлари ва номзодлари Насрулла Алиев, Одил Шокиров, Солиҳ Қосимов, Йўлдош Ҳасанов, Маҳмуджон Маъруфов, Наим Каримов, Муртазо Султонов, Ҳамидулла Йўлдошев, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев ва бошқа юзлаб ажойиб инсонлар.

Мактаб ҳозир шаҳардаги энг катта ва энг кекса билим учоқларидан бири. Замонасининг моҳир педагоги Ҳасанхон Исломов номи берилган бу мактабда 2500 дан ортиқ ўғил-қизлар билим олишмоқда. Мактаб жамоаси ота-оналар бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда болаларни меҳнатсевар, ўз халқига садоқатли, чуқур билимли қилиб тарбиялашга бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Мактаб жамоаси Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент давлат педагогика, тиббиёт, машинасозлик институтлари билан яқиндан алоқа ўрнатгани ва мазкур институтларнинг номлари бевосита мактабда дарс ўтишга жалб этилгани натижасида ўқувчиларнинг билим савияси тобора чуқурлашиб бормоқда. Мактабда ёш техниклар станциясининг бўлими, тикувчилик, машинасозлик, бадиий ҳунар, сураткашлик ва бошқа тўгараклар фаол ишлаб турибди. Қисқаси, ҳамма иш болаларга чуқур билим, аъло ахлоқу одоб беришга қаратилган.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳасанхон Исломов (ўндан) таниқли давлат арбоби Усмон Юсупов ва андижонлик бир гуруҳ фаоллар даврасида. Архивдан.

2. Мактабнинг бугунги ҳаётидан лавҳа.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МАКТАБНИНГ ТЎЙИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабда устоз муаллим Ҳасанхон домла Исломовнинг таваллудига 125 йил тўлиши ҳамда мазкур билим даргоҳининг 70 йиллик тўйига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни шу мактабнинг собиқ толиби, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов кириш сўзи билан очди ва мактаб жамоасини қутлуғ тўй билан муборакбод этди. Сўнгра мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчиларига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ҳамда фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Мазкур илм масканининг яна бир собиқ ўқувчиларидан бири, халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев мактабнинг жонкуяр ўқитувчиларидан бир гуруҳи бошқарманинг «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланганлигини тантанали равишда эълон қилди.

Йиғилишда маҳалла фаоллари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, мактабни турли йилларда тугатган собиқ ўқувчилар иштирок этдилар.

Байрам якунида устоз муаллимнинг фарзанди, Халқ таълими аълочиси, Узбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Қамариддин Исломов, набираси Ҳасанхон Самадов ота-бобоси ёдига кўрсатилган чуқур ҳурмат ва эҳтиром учун тантана ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Таъкид

«МЕТОДИКА»МИ ЁКИ «УСЛУБИЯТ»?

Кейинги пайтларда деярли барча соҳаларда, айниқса, таълим-тарбия муассасаларида, ҳатто матбуот, радио ва телевидениеда ҳам «Методика» атамаси ўрнига «услубият» сўзи нотўғри қўлланмоқда.

Бунинг асосий сабаби нимада? Нега «услубият» эмас, балки «методика» атамаси қўлланиши керак? Методикага муносабат қандай? Қуйида ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бу иккала атамани чалкаш қўллаш, улардан ўз ўрнида тўғри фойдаланмасликнинг сабаби улар орасидаги фарқни яхши тушунмасликдир. Ёки «Методика» атамаси русча, шунинг учун унинг ўзбекчаси «Услубият» деб тушунилган бўлиши эҳтимол.

Агар Узбекистон Республикаси вазирлик маҳкамаси ҳузуридаги республика атамашунослик қўмитаси томонидан 1992 йилда нашр этилган «Ўзбек тили атамашунослиги» қўлланмасига мурожаат этилса, унда: «метод» — усул, «Методика» — усулият (услубият эмас — Т.Б.). «Стилистика» — услубият (Ахборот, 5—6 чиқарув, «Фан» нашриёти, Тошкент—1992 йил, 23—25-бетда) дейилган. Шунингдек, 7—8 чиқарув 1992 йил Ахборотининг 27-бетида «Методика» — усулият, методика» деб изоҳ берилган.

Хўш, шундай экан: нега энди амалиётда, матбуотда ҳам уларни чалкаш қўллаш ҳамон давом этмоқда?!

Келинг, аввало «Метод», «Методика» атамаларининг асл маъноларига эътибор берайлик. «Метод» русча сўз эмас, балки юнонча «Метҳод» бўлиб, йўл, усул деган маънони англатади. У аллақачонлар халқаро атама бўлиб, маданий меросимизга синғиб кетган.

«Методика» нима? Методика ўқитиш усулларига доир илм демак. У бирор фанни ўқитишда қўлланадиган усуллар ҳақида баҳс юритадиган фандир.

Ҳар қандай методика — билимларни тўлароқ, чуқурроқ эгаллашга ёрдам берадиган усуллар йиғиндисидир. Бирор фандан, масалан, она тили ёки адабиёт фанидан фақат назарий билимга эга бўлса бўлди, уни ўқитиш методикасидан махсус билим олиш шарт эмас, деб қаровчилар ҳам йўқ эмас. Бундай фикрловчилар чуқур хато қиладилар.

Бирор фандан назарий билимга эга бўлган билан уни ўқитиш методикасидан сабоқ бериш йўлларини билмагач, дарслар зерикарли, тингловчининг ўзлаштириши ҳам қийин бўлади, таълим жараёни моҳияти кутилган натижани бермайди.

Методист бўлиш учун эса аввало маълум фан ўқув режаси, дастури талабларини, дарс берилаётган ўқувчи, талабаларнинг ёш хусусиятларини, билим савиясини, материални уларнинг онгига етказиш усулларини билиш талаб қилинади.

Методика фани маълум фанни нима мақсадда ўқитаман (таълим мақсадини), нимани ўқитаман (таълим мазмунини), қандай ўқитаман (таълим усулларини) деган саволларга жавоб беради. Методист бўлиш учун маълум фандан билим бериш тизими, тамойиллари, таълим жараёни моҳиятидан хабардор бўлиш шарт. Бу масалалар методиканинг юраги ҳисобланади. Ва ниҳоят методист бўлиш учун мактабда ишлаш, илғор тажрибалардан хабардор бўлиш зарур.

Юқоридаги далиллар шуни исботлайдики, методика услубият эмас, балки усуллар мажмуаси, услуб эса стил, услубият — стилистикадир. Бу ҳақда Олим Усмон, Ренат Дониёров, Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқовларнинг луғат китобларида аниқ изоҳ берилган. Шундай экан, «стил», «услуб», «услубият» атамалари тилшуносликка оид бўлиб, уларни педагогик маънода «Методика» ўрнида қўллашдан иборат чалкашликка барҳам бериш зарур. Аниқроқ қилиб айтганда, бундан кейин «Услубият» сўзини методика маъносида ишлатиш саводсизлик бўлур эди.

Амалиётга эътибор беринг. Республикамизнинг қайси вилоят, шаҳар, туманлардаги таълим-тарбия идораларига, ўқув муассасаларига, халқ таълими бошқармаларига кириб борсангиз, ҳоналар пештоқида «Услубият хонаси», «Услубчи» деган ўринсиз ёзувларга кўзингиз тушади. Ахир, биз ўқувчи баёни ва иншоларининг хатосини тузатганда услуби деб таҳлил қиламиз-ку! Агар «услуб»ни метод маъносида қўлласак, у ҳолда ўқувчи баёнини ёки иншосини таҳлил қилганда стилистик хатосини «услуби» эмас, «методи» деб таҳлил этишимиз керак бўлиб қолади.

Атамалар қўмитасининг бу соҳадаги берган изоҳига келсак, унга бироз тузатиш киритишга тўғри келади. Чунки метод фақат усул эмас. Усул — бу «приём», бир неча усуллар йиғиндисига методик усуллар, дейиш мумкин. Аммо, методикани усулият дейиш ҳам унча маъқул кўринмайди. Яхшиси халқаро атамага айланган «метод» ва «методика»ни шундайлигича аввалгидек ишлатавериш мақсадга мувофиқдир.

Байит ТУРДИЕВ,
А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг нашриёт бўлими мудири, педагогика фанлари номзоди.

Мукофот соҳиблари

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҲУЗУРИ

Олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Гулбодом Эштурдиева йигирма икки йилдан буён ўзи таълим олган Косон туманидаги 26-ўрта мактабда мударрислик қилади. Ҳамиша изланувчан ва таълим-тарбия жонкуяри бўлган Гулбодом опа яқинда ўз меҳнатларининг ҳузурини кўрди — ҳукуматимиз томонидан I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

— Бу мукофот, — дейди Г. Эштурдиева, — мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Утган ишларни танқидий кўз билан сарҳисоб қилишга ва бундан буёғига янада жиддийроқ фаолият кўрсатиш учун бел боғлашга ундади. Биз ўқитувчиларга шунчалик эътибор берилиб, ғамхўрлик кўрсатилар экан, зиммамизга юкланаётган масъулият ҳам оша боради. Ишончни албатта оқлашимиз зарур.

— Гулбодом опа, мактабда лотин алифбосини ўргатиш бўйича муқобил дарслик тузганларингизни эшитгандик. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Менинг бир одатим бор: фалон жойда билими кучли ўқитувчи бор экан, деб эшитсам, вақтимни ҳам, маблағимни ҳам аямай бориб учрашишга ва иш тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қиламан. Ун йиллар чамаси аввал, андижонлик ўқитувчи Абдурасул Мамажонов ҳақида матбуотда ўқиб, у кишини ғойибона ҳурмат қилиб юрардим. Ниҳоят бир кун домла билан учрашиш мақсадида Қашқадарёдан Андижонга йўл олдим. Абдурасул акани тополмай, шогирдлари Муборак Мирзаева билан анча суҳбатлашдик. Муборак опа ҳам билимдон ўқитувчилардан экан. Мақсадимни англагач, қайтишимда шундай маслаҳат бердилар: «Дарс ўтиш жараёнида нима қийинчилик сезсангиз ёки дарсликда бирор камчилик илғасангиз, албатта бир дафтарга ёзиб боринг, ишингизда асқотади».

Ёзиб боравердим. Асқотди — шу дафтарим муқобил лотин алифбоси дарслигини яратишга туртки ва асос бўлди. Қарши давлат педагогика институтининг бошланғич таълим кафедраси мудираси Талъат Ғаффорова билан биргаликда ишбу қўлланмага тартиб бериб чиқдик. Шу институтнинг таниқли тилшуносларидан бири Эргаш Шодмонов ҳам жўяли маслаҳатлар бериб, ёрдамини аямади. Эндиликда дарслигимиз Халқ таълими вазирлиги томонидан нашрга тавсия қилинган. Ҳадемай дунё юзини кўрса, ажабмас.

— Келгуси мақсадларингиз қандай?

— Мақсадим, юқорида айтганимдай, ўқитувчиларга кўрсатилаётган ишонч ва эътиборга лойиқ ишларни амалга оширишга ўз ҳиссамни қўшиш. Ўзимнинг севган соҳам учун бундан буён ҳам қўлимдан нимаики фойдали иш келса, сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиламан.

Суҳбатдош Икром БЎРИБОЕВ.



Қутлов

ИЛМНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

Эркин аканинг ишхонаси пойтахтнинг қоқ киндигида жойлашган. Деразасидан шаҳарга кўрк бериб турган баланд-паст, катта-кичик иморатлар яққол кўриниб туради. У келди-кетдилару, телефон қўнғироқларидан, ёзув-чизувлардан ҳориган пайтлари ана шу дераза ёнида тик туриб ташқарини кузатишни ёқтиради. Айниқса, ажиб бир чирой, ажиб бир салобат бағишлаб турган биноларга, иморатларга кўз югуртираркан чарчоқлари тарқаб, бутун вужудига алланечук ҳаловат ёйилади. Чунки ана шу кўркам иморатларнинг қад тиклашида Эркин аканинг ҳам меҳнати бор, ғиштлар таркибига, бетонлар қоришмасига унинг пешона тери, кўз нури сингган...

Эркин ака — олим. Агар расмий тилда, у кишиниг унвонларини санаб ўтсак унчамунча киши шошиб қолади. Эркин Қосимов профессор, техника фанлари доктори, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро инженерлар академиясининг эъзоси, бир қанча орден ва медаллар совриндори, 205 дан зиёд ҳар хил монографиялар, ўқув қўлланмалар муаллифи. Айни кунда-у Тошкент меъморчилик ва қурилиш институти проректори... Бироқ, домла, шунча жарангдор унвонларига қарамай, ҳамиша содда ва самимий. «Биз бир оддий қурувчи», дейди камтаринлик билан. Бироқ, бу «оддий қурувчи»нинг мана, қарийб 30 йилдирки, қўлидан қоғоз-қалам тушмайди, фикри-зикри, ҳар томонлама қулай, чидамли қурилиш ашёлари яратишда. Худога шукр, ҳозирча меҳнатлари зое кетган эмас. Тадқиқотлари, илмий ихтиролари халқ хўжалигида катта эътибор билан қўлланилмоқда.

Эркин аканинг энг муҳим хислатларидан бири сергакликдир. У киши ҳозирги иқтисодий сиёсатнинг, илмдаги олимлар диққатини кутиб ётган қурилларни нозик дид билан илғаб олади. Шунинг учун ҳам саноат, қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан қурилиш материаллари яратиш ғоясини биринчилардан бўлиб домла ўртага ташлади. Бу илгари сурилган илмий таклифнинг халқимиз хазинасига, қолаверса, табиат-муҳитга қанчалик аҳамиятли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Мана бу соҳадаги илмий изланишлар ҳам, ниҳоят ҳосил бериб қолди. Бироқ бу ютуқлар осонликча қўлга киритилмаяпти, албатта. Домла Эркин Қосимов ўз шогирдлари билан қанча-қанча машаққатларни босиб ўтмади, дейсиз? Гоҳ иқтисодий қийинчиликлар, гоҳ турмуш икир-чикирлари, гоҳ баъзи бир идораларга қўр тўкиб олган маъмурий буйруқбозликлар...

Бугун Эркин аканинг димоғи чоғ. Кейинги пайтларда сирқираб-сирқираб оғрийдиган одат чиқарган қўллари ҳам, мана, икки соатдан бери бетиним ёзув билан шуғулланишига қарамай, бинойидек, ишлаяпти. Ҳойнаҳой, эрталаб узоқ вилоятдан, атайлаб, устозни кўриш ниятида келган шогирдлар дийдори унга куч бағишлаган бўлса ажабмас.

Эркин ака андак ҳаёлчанлик билан яна ён дафтарчасини очди. Кўпдан бери бошида чарх уриб юрган фикрни тезроқ оқ қоғоз бағрига жайлаш истагида эди. У қўлига ручкасини олиб ёзди: «Шогирдсиз олим кўзсиз узукка ўхшайди...»

Домла Эркин Қосимовга, очиқ гап, кўпчилик ҳамкасблари хавас билан қарашади. Чунки бу салоҳиятли олим илмда ўз мактабини яратган. Нафақат республикамизнинг, балки собиқ Иттифоқнинг қай бир бурчагига борманг, қурилиш материалларининг чидамлилигини ошириш орзусида юрган талабалар жуда яхши билишади, шунинг учун ҳам у кишига шогирдлик даъвосини билдиришга унчамунча ёшлар ботинишолмайди. Бироқ Эркин акада ички бир меҳр бор. У шогирларини ўз фарзандидай кўради. Улардан фақатгина илмий изланишлар ҳақидагина эмас, оилавий аҳволи, турмуш шарт-шароитлари тўғрисида ҳам тез-тез суриштириб туради, кези келса, баҳоли қудрат ёрдам ҳам беради.

Эркин аканинг хаёлини телефон қўнғироғи бўлди. У киши ўз табиатига кўра шошилмай трубкани қўлга олди:

— Эшитаман...

Ҳаяжонли бир овоз домла билан қуюқ сурашиб, узини 95-мактаб илмий бўлим мудири эканлигини айтиб, Эркин акадан ўқувчилар йиғинида бир қизиқарли суҳбат ўтказиб беришини илтимос қилди.

Профессор Эркин Қосимов дарҳол қувонч билан розилик билдирди. Йўқ, домла ўзи бундан эллик йил илгари ишлаб кетган мактаб жамоаси иззат қилиб, қадрига етиб таклиф этаётганидан севинмади, балки уша ердаги мурғак юракларда, бокира хаёлларда илму фанга бўлган қизиқиш, чанқоқлик борлигидан боши осмонга етди.

Эркин ака қушдай енгил тортиб, бўлажак эҳтиросли, ғаройиб учрашувга тараддуд кўра бошлади...

Луқмон БЎРИХОН,
«Маърифат» махсус мухбири.

Ойбек таваллудининг 90 йиллиги

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси

БУЮК АДИБ, УЛУҒ ИНСОН

(«ЭСДАЛИКЛАР»ДАН)

Улуғ ва табаррук кишилар ҳақида кўп эшитамиз, кўплаб китоблар ўқиймиз ва кинофильмлар кўрамиз. Баъзан улар билан ёнма-ён яшаб, бир эшикдан кириб-чиққанимизни, бир кўчадан ўтиб, битта ҳаводан нафас олиб, бир ариқдан сув ичиб юрганимизнинг қадрига ставермаймиз. Асримизнинг машҳур адиби Ойбек ҳақида гап кетганда аввало шу фикр хаёлимдан ўтади.

1951 йилнинг бошлари эди. Уша кезлари 10-трамвай Ишчилар қўҳарчасига бориб, айланиб орқага қайтарди. Рилеев кўчасига бориш учун одатда айланма бекатда тушардим-да, Ботуми кўчаси йўлкаси бўйлаб Уста Ширин кўчаси томон йўл олар эдим. Бу кўчалардан ўтганимда аксарият пайтларда, хусусан эрталаб бир одамни учратардим. У ё рўпарамдан мен томон келаётган бўларди ёки ҳали мен трамвайдан тушмасдан бурун қайтиб бўларди. Юзма-юз келган чоғларимизда бу одам қандайдир вазминлик билан, унг қўлини кўксига қўйиб, кўпдан бери таниш одамлардек хиёл қулимсираб, саломимга алик олар, мен эса бу одамнинг ушбу шаҳри азимда номаълум бир йигитнинг саломига бунча таъзиму тавозе билан алик олганидан бошларим кўкларга етар, ўзимда йўқ хурсанд бўлиб, манзилимга етганимни билмай қолардим. Бордию, бирор марта бу йўлдан ўтаётганимда у одам менга учрамай қолса, бирор нарсамни йўқотгандек хаёлпаришон манзилим томон кетар эди. Ботуми кўчасида менга учраб турадиган бу одам — Ойбек домла эди.

Ойбекнинг ўша вақтлардаги жонли қиёфаси ҳамон кўз олдимда: бўйлари узун, елкалари кенг, дўппининг тагига яшириш учун қанча уринган бўлмасин сочларининг қарийб ярми жингалак бўлиб чиқиб турар, юзларида ёшига нисбатан ажин кўпроқ, кўзлари катта, аксарият пайтларда ҳорғин, фақат бирор нарсага эътибор қилган кезлардагина улар қандайдир кўз илғамас равишда ҳаракатга келар ва қовоқлар ҳар томонга тортилиб, улардан қандайдир жозибали нур таралаётгандек эди.

Ойбек акани мен илгарилари ҳам кўрганман. У дорилфунунга талабалар билан учрашувларга ҳам келган. Бироқ, 1949 йилда эди шекилли, рўй берган бир воқеа менинг хаёлимда учмас из қолдирди.

1-Май кўчасидаги Ҳамид Олимжон номидаги ёзувчилар уйининг биринчи қавати ичкари томондан катта айвон бўлиб, кабинетларга шу айвондан ўтиларди. Кунлардан бир кун Ёзувчилар уюшмасида «Ойбек ака билан учрашув бўлармиш, адиб ўзининг «Олтин водийдан шабадалар» романининг ёзилиш тарихи хусусида гапирib берармиш» деган гап тарқалди. Биз талабалар бундай пайтларда албатта йиғилишиб борардик. Ушанда кабинетга одам сиғмасди, мен эса ўртоқларим билан айвонга қаратилган дераза олдида туриб, Ойбек аканинг сўзларини эшиттандим.

У роман ҳақида завқ ва шавқ билан гапирарди. Уктамга ўхшаган, энди уруғдан келиб колхоз ишига шунғиган йигитларни кўп кузатгани, Комила образини яратишда ўша вақтда машҳур Турсуной Каримовадан прототип сифатида фойдаланганы, роман тез фурсатда яъни деярли бир-икки ойда ёзиб битилгани ва ҳоказолар хусусида гапирганди. Фан ва техниканинг қишлоқ ҳаётига кенгроқ ва чуқурроқ кириб бориши зарурати ҳақида ҳам Ойбек ака қандайдир жонбозлик билан ўз қарашларини баён қиларди. Фан ва техника ютуқларини қишлоқ хўжалик ишларига кенгроқ татбиқ қилиш ва шу йўл билан ҳосилдорликни ошириш ўша даврнинг зарбдор масалаларидан эди. Романда бу масалани марказий нуқтага олиб тасвирланиши ҳам бежиз эмас.

Табиийки, Ойбек акага кўп саволлар ҳам берилди. Одати бўйича саволларга ҳам тафсилотли жавоб берар, гапираётиб кўп терлар ва рўмолчаси билан тез-тез терларини артиб қўярди.

Эҳтимол Ойбек ака гапирган ҳамма гапларни ўшанда биз етарли даражада тушуниб ололмагандирмиз. Аммо, шуни айтиш керакки, биз ёшлар учун бу учрашув, ёзувчи билан юзма-юз туриб, ўзи яратган асари ҳақида суҳбат эшитиш ўзига хос беназир сабоқ эди. Бу учрашув мени Ойбек акага яна ҳам яқинлаштириб қўйди. Унга нисбатан қандайдир ички ҳурмат ва эҳтиром яна ҳам кучайди менда. Бу пайтлар дорилфунунда охирги курснинг бошланғич пайтлари бўлса керак, ўзбек совет адабиёти кафедрасига келиб, мен «Олтин водийдан шабадалар» романи хусусида «диплом иши» ёзиш ниятида эканимни билдирдим. Кафедра менга шу мавзуни тасдиқлаб берди.

1953 йилнинг иккинчи ярми...

Мен Москвада, собиқ КПСС МК қошидаги Ижтимоий Фанлар академиясида аспирантман.

Кафедранинг навбатдаги мажлисларидан бирида менга «Ойбек романларида характер яратиш усули ва ақидалари» номли ўзим танлаган номзодлик диссертацияси мавзусини тасдиқлаб бердилар.

Ойбек яратган асарларни кунт билан ўргана бошладим. Унинг асарларидаги ҳар бир образ, манзара ва тафсил билан қизиқдим. Ҳар бир асар ғояси, унинг ифодаланиш йўллари, характерлар маъноси, уларнинг бир-бирларига муносабати, хусусан образлар бирлигидан келиб чиқадиган бадиий ғоя устида ўйладим. Бошқачароқ қилиб айтганда, бевосита таҳлилнинг ўзини ва ундан келиб чиқадиган хулосаларимни беришга интилдим. Бу ҳам одатдагидек осон бўлмади. Аввало шу йўлдан бориб натижа чиқаришимга унча кўзим ставермас эди. «Қутлуғ қон» романи ҳақидаги таҳлилимни ёзиб домламга кўрсатсам, у «ҳа, ёмон эмас» деб қўл қўйиб берди. Уч-тўрт ойлардан кейин, «ёзган бобим ўзимга ёқмади, қайтадан ёза бошладим», десам, домлам: «Мен худди шундай бўлишини билар эдим», деди. Икки-уч марта қайта ишлаганимдан кейин бу ишни «Звезда Востока» журналига тақдим қилдим.

Шундай қилиб «Звезда Востока» журналида эълон қилинган «Формирование характера» деб аталган бу мақола мени адабиёт майдонига олиб кирди. Демак, Ойбек ўзининг «Қутлуғ қон» романи билан мени бу ишга етаклади, адабиётнинг катта йўлига чиқариб қўйди. Бундан кейин мен «Навоий» романи таҳлилига дадил киришдим. Бу ишнинг натижаси ҳам ёмон бўлмади. Иш ижтимоий Фанлар Аакадемияси томонидан нашр қилинган «Идея и образи» номли катта тўпламнинг бир боби сифатида эълон қилинди.

Ойбек мени ҳамон юқори томон етакларди.

Вақтлар ўтди. Кандидатлик диссертациямнинг ҳимояси ҳам бўлди. Қарийб тўрт йиллик меҳнатим алоҳида китоб шаклида эълон қилинди. Бироқ, мен ҳануз Ойбек билан учрашганим йўқ эди. Ойбек ака билан бевосита ва юзма-юз учрашувим 1959 йилнинг қиш ойларида юз берди. Мен унга кўп шубҳа-ю андишалар билан китобимни олиб бордим. Бу китоб диссертация номи қандай бўлса шундай «Ойбек романларида характер яратиш принцип ва приёмлари» деб аталар эди.

Менга таниш бўлган ўша — Ботуми кўчаси. Иймана-иймана очиқ турган эшикдан ичкари кирдим. Ҳовлининг турида қад кўтарган икки қаватли гишт иморатнинг биринчи қавати. Кимдир (у вақтларда Ойбек ойласидан Зарифа опадан бошқа ҳеч кимни танимас эдим.) мени кўриб, ичкарига таклиф қилди. Мени кутиб олган йигит Ойбек аканинг Омон исмли ўғли эканини кейин англадим. Йўлакдан кираверишда унг томондаги эшикни очди. Креслода ўтирган Ойбек акага кўзим тушди. Кутилмаган ҳолда у ўрнидан туриб, очиқ чеҳра билан, қўл чўзиб кутиб олди. Ойбек акада хушҳол кайфият борлигини сездим. Ўзига ярашган алфозда у тишларини кўрсатиб кулар, бир оз дудуғланган ҳолда «Ҳа, ҳа, келинг, келинг!» — деб столга таклиф қилди. Бу муомаланинг барчасидан «биз сиз билан шу кўчаларда кўп дуч келганмиз, мен сизни биламан», деяётгандек кўринар эди менга.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, газетага ўраб олиб келган китобимни очиб, Ойбек акага узатдим. Ойбек ака китобни муҳим бир топилдиқдек қизиқиш билан қўлга олиб варақлай бошлади. Ўзимда тушунишим қийин бўлган ноаниқ бир кайфият сезардим ўша пайтда.

Ойбек ака китобни варақлаётиб:

— Яхши, яхши! — Бироз дудуқланиб, оҳиста, — яхши бу-б-бўп-ти, — деди.

Ўша ҳолда китоб саҳифаларида кўзга илинган қаҳрамонлар номларини атади.

— Йу-Йулчи, Гу-Гулнор!

Бу исмларни тилга олганда Ойбек аканинг юзлари ёришар, кўзлари нурлангандек бўларди. Шу тариқа у «Навоий» романининг қаҳрамонларини ҳам тилга олди.

Бадиий ижод ва адабиётшуносликда бу даврларда муҳим бурилиш рўй берган эди. Бу — қуруқ социологиядан қайтиш, асарни ғоя ва шакл бирлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, яъни адабий асарни санъат қонуниятлари асосида яратиш. Китобда мен Ойбек ака асарларини ўша йўлда таҳлил қилишга уринган эдим. Шу сабабдан В. Зоҳидов, Ҳ. Ёқубовнинг баъзи бир қуруқ социологик фикрларига муносабат билдириб, «Олтин водийдан шабадалар» романи хусусида уз мулоҳазаларимни ёзган эдим. «Ойбек ака китобнинг ўша бетларини очиб ўқиб кўради-ю, китобни олдимга отиб уради» деган ўйда бўлиб, ўзимни қаерга қўйишни билмасдим, юрагим огир жазо кутаётган одамникидек қинидан чиқиб кетаёзар эди. Ойбек ака эса бошдаги хушҳол кайфиятини бузмасдан китобни варақлар, унинг бетларида кўзга ташланган қаҳрамонлар номини тилга олиб «яхши, яхши» сўзларини қандайдир мамнуниятлик билан такрорлар эди... Унинг қиёфасида қандайдир илғаб бўлмайдиган ўзгариш пайдо бўлар, кўзлари эса ҳар гал қайтадан нурланаётгандек бўлар эди. Менинг ҳолатим эса аксинча: ўзимни исканжага тушиб, тобора қаттиқ сиқилаётган одамдек ҳис қилардим. Ниҳоят, Ойбек ака охирги бетларни варақларкан, хушҳол кайфиятини бир лаҳза ҳам бузмасдан:

— Ук-Уктам, Ко-Комила, — деди ва китобни ёпиб, унинг номланишини, муқоваси ни яна бир карра кўздан кечира бошлади. Ойбек аканинг кўзлари ҳамон нурланар, юзларидан табассум аримасди. Мен эса энди афсоналардаги «қил кўприк»дан ўтиб олган қаҳрамондек ҳис қилардим ўзимни. Бир маҳал ўзим сезмаган ҳолда букилиб, стулга ёпишган қаддимни тиклаб олдим ва Ойбек акага сездирмасликка ҳаракат қилиб, кўкрагимни тўлдириб-тўлдириб нафас олдим. Ойбек ака ҳам менинг ҳолатимдан бехабар эмас эди чамамда, гўё кунглимни кутариб қўймоқчи бўлгандек, китобни оҳиста стол четига қўйди ва панжасини китоб устига босиб турдида, алоҳида таъкид билан:

— Яхши! — деди. Келтирилган чой ва тайёрланган неъматларга таклиф қилди.

Шу пайт менда шундай таассурот туғилдики, Ойбекнинг ижоди мени адабиётшуносликнинг янги ва кенгроқ босқичига олиб чиқди.

Кўчада кетаётиб бу учрашувни яна бир хаёлимдан ўтказдим. «Наҳотки Ойбек аканинг китобдаги уз номига айтилган танқидий фикрларга кўзи тушмаган?» Айланиб келиб фикрим шу нуқтага қадалаверарди. Кейин ўзимча хулоса қилдим: Бу — улуғворлик! Фақат ўз кучи, истеъдодига ишонган санъаткорларгина ўзини шу хилда тутиши мумкин! Юқорида тилга олинган китоб 1965 йилда тўлдирилган ҳолда ўзбек тилида «Ойбек маҳорати» номи билан адибнинг 60 йиллик юбилейига атаб эълон қилинганда мен Ойбек акани биринчи гал китоб олиб борган маҳалимдагидан ҳам кўра мамнунроқ кўрган эдим. «Ойбек маҳорати» ўша даврида адабий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди.

Юқорида мен Ойбек ака ҳузурида биринчи марта бўлганимни батафсилроқ баён қилиб бердим. Ундан кейин мен Ойбек аканикида кўп бўлганман, илм, адабиет, ҳаёт ҳақида анчагина суҳбатлар қурганман.

Эсимда, Ойбек ака Абдулла Қодирий номини ниҳоятда катта ҳурмат билан тилга олар, одатда у асарлар номини кўпам тилга олавермас, гапни кўпроқ асосий қаҳрамонлар — Отабек, Кумуш, Раъно ва Анварлар атрофида юритишни яхши кўрарди. Абдулла Қодирийни у узининг устози деб билар эди. Ойбек ака Абдулла Қаҳҳор маҳорати, хусусан, унинг бадиий маҳоратини ҳайратлар билан тилга олар ва тасаннолар айтарди. Одил Ёқубов, Примқул Қодиров ҳақида Ойбек ака билдирган башоратлар ҳанузгача эсимда.

— Катта ёзувчи бўлади, катта! — дер эди улар ҳақида гап кетса.

Ойбек ака доим бошқаларга ҳайриҳоҳ бўлиб туришни одат қилган одамлардан эди. Озгина бўлса ҳам ўзгаларнинг иэтиробини ўзиникидек ҳис қиларди.

Минг тўққиз юз олтмиш бешинчи йилда «Ойбек маҳорати» номли китобни нашрга топширган эдим. Аввало нашриётчилар бу китобга у даражада хайриҳоҳ бўлавермадилар. Кейинчалик адиб юбилейига атаб чиқаришга мажбур бўлдилар. Бироқ улар одам шаънига тўғри келмайдиган бир «амал»ни «ихтиро» қилдилар. Қўлёзмага киритилган иқтибосларни сузма-сўз жумламажумла ажратиб. Қўлёзманинг айби ҳисобладилар. Бундан хабар топган Ойбек аканинг анча ғазабланганини эшитдим. Китоб чиқиб кетгандан кейин:

— Оббо нокаслар-ей! Менга қилинган жабру зулмлар етмас эканми. Сизни ҳам тинчизлантиришибди-да, — деб узининг таажжубини билдирди.

Улуғларнинг фазилату ҳислатларини биргина хотирада жамғариб олиш анча мушкул.

Ойбек ака билан бўлган мулоқотларда, унинг ижодини ўрганиш жараёнида англадимки, у табиатга маҳкум шахс эди. Унинг табиат ҳодисаларига бағишланган ажойиб шеърлари бор. Насрий асарларида ҳам у табиат гўзалликларини — она ер, ҳаётбахш қуёш, тулин ой, буюк тоғлар, дарёлар, майсазору сонсиз-саноқсиз гулларини мадҳ этади. Шу уринда бир ривоятни эслаш уринлидир.

Ойбек ака болалик чоғларидаёқ тунги ойга кўп тикилар экан. Қараб туймаскан. Кунларнинг бирида икки-уч яшар пайтида у бирор сабаб туфайли ойиси билан томга чиқибди. Осмон тоза, ой тўлин экан ўша пайт. Назаримизда ердан анча узоқ бўлиб кўринган ой томга чиққандан кейин болага яқин бўлиб кўринган бўлса керак, жажжи қўлларини ой томон чўзиб:

— Олиб беринг, олиб беринг! — деб жиғибийрон бўлган экан.

Адибнинг таҳаллусида ойнинг иштироки унинг болалигидаги шу таассурот билан боғлиқлиги шубҳасиз.

Бахт — туғилиб, усиб-улғайиб, умрни охирига етказиб яшашдангина иборат эмас. Бахт — кўпроқ кимлар билан замондош бўлиб, кимлар билан ҳамкорлик қилишда, кимлар билан ҳамнафас бўлиб, кимлар билан ҳаётда бир сафда қадам ташлашда экан.



Спорт

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ БОКСЧИСИ—ЎЗБЕК

Ўзбекистон мадҳияси спорт майдонида ғолибона янграса ҳар қандай шароитда ҳам кишига хуш ёқади, қалбинг ғурурга тўлади, энтикасан... аллақаердан кўзингга ёш келади...

Тошкентда бўлиб ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон мадҳияси уч маротаба янгради. Ҳар гал ўша ҳис, ўша манзара такрорланаверди.

Бунда Осиёнинг 19 мамлакатидан қатнашган 146 боксчи ўзаро куч синашдилар. 12 нафар ҳамюртларимиздан олти нафари ярим финалга, ва улардан тўрт нафари финалга чиқдилар. Бу ўйинлар орасида боксчимиз Дилшод Ёрбековнинг ғалабасини алоҳида таъкидласак арзийди. Дилшод корсялик рақибини нокаутга учратди ва мазкур нокаут натижасида у бокс бўйича 18-Осиё чемпионатининг энг яхши боксчиси деб эълон қилинди. Албатта, у финалда ҳам ғолиб чиқди.

Дилшоддан ташқари Наримон Отаев (67 кг) қозоғистонлик Нуржон Усмоновни (14:7), Руслан Чагаев (91 кг) ҳиндистонлик Ларха Сингхни (16:1) мағлубиятга учратиб Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлишди. Финалга чиққан тўртинчи вакилимиз Маҳаматқодир Абдуллаев (60 кг) эса монголиялик рақибига (12:15) ютқазиб қўйди ва кумуш медалга сазовор бўлди. Лекин у барибир 1996 йил Атлантада бўлиб ўтадиган олимпия ўйинларига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дарвоқе, бу турнир Атланта ўйинларига борадиган 23 ўйинчини ҳам ажратиб берди. Улар асосан финалга чиққан ўйинчилардир.

Жамоа ҳисобидаги натижалар бўйича эса Қозоғистон биринчи, Ўзбекистон иккинчи ва Эрон учинчи ўринни эгаллади. Дарҳақиқат, қозоқ бокс мактабининг айни кунда Осиё қитъасида кучли эканлигини таъкидлаш жоиз.

Финал ўйинлари тугагач эса бокс бўйича 18-Осиё чемпионатининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков қатнашиб, барча ғолибларни қутлади. Ўзбекистон Олимпия қўмитасининг президенти Собир Рузиев тантана охирида Атлантага йўлланма олган 23 нафар боксчиларни рингга таклиф қилиб, уларга ўзбек удуми бўйича чопон кийдирди. Белбоқ боғлаб, дўппи кийишган йигитларга узоқдан қараган киши Атлантага фақат ўзбеклар борянти, деган хаёлга бориши ҳам мумкин. Иншооллоқ замонлар келар, бу хаёллар ҳақиқатга айланади. Ахир яхши ният, ярим мол, дейишади-ку.

Ҳ.ОМОНХОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ТЎЙЛАР ТЎЙГА УЛАНДИ

Халқ таълими ходимлари кунига бағишланган тантаналар I-Тошкент педагогика билим юртида бир ҳафта давом этди. Касб байрами ниҳояси бу ерда дийдорлашув сайлига ҳам айланиб кетди.

Байрам дастурхонининг тўридан жой олган, бир вақтлар шу даргоҳда меҳнат қилиб нафақага чиққан фахрий муаллимларни билим юртининг директори Мунаввара Юсупова қизғин қутлаб, эсдалик совғаларини тошширди. Шундан сўнг табрик сўзлари куй-қўшиқларга, куй-қўшиқлар эса дилларга уланди.

— Бугунги шодиёнамиз, — деди билим юртининг иқтидорли ўқитувчиси Хурсаной Умрзоқова, — нақ бир ҳафтадан бери ўқув масканимизда нишонланаётган муаллимлар байрамининг давомидир.

Ҳа, билим юрти жамоаси бу йил ўз касб байрамларини одатдагидан кенг ва мазмунли нишонлашди. Байрам тантаналари белгиланган кунгача ҳафта мобайнида тарбиявий соатлар ўтказилди, деворий газеталар кўриги бўлди. Тадбирларда фақат устозлар ҳақида сўз юритилди. Талабалар кунглида бу олижаноб касб эгаларига нисбатан ўзгача бир меҳр, ўзгача бир эҳтиром уйғонди.

Чилонзор туманидаги «Саодат» қаҳвахонасида ўтказилган тадбир, айниқса, ўзига хос байрам бўлди. Педагогика билим юрти жамоаси ўзларининг 50 йиллик, 60 йиллик қутлуғ ёшига қадам қўйган устоз муаллимларга муъжазгина юбилей тўйи қилиб бердилар. Албатта, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида бундай сархаражат тадбирлар ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Лекин, «қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деган мақол бежиз айтилмаган экан. I-Тошкент педагогика билим юртига ҳомий ташкилотлар, хусусан, Чиноз туманидаги Олмазор жамоа хўжалиги, «Спанта» ўзбек-грек қўшма корхонаси кўмак қўлларини чўзишяпти.

Л. БЎРИЕВ.

ДОСТОНЛАР САБОҒИ

Халқ оғзаки ижоди асарларида инсоннинг камолотга етишувида тарбиянинг йўллари ва имкониятлар ишонарли тарзда очиб берилади. Агар эътибор берган бўлсангиз, айниқса, достонларда қаҳрамонларнинг туғилиши, тарбияланиши, мураккаб ҳаёт йўли, юксак ахлоқий ва маънавий сифатлари батафсил кўрсатилади. «Алпомиш», «Гуруғли», «Рустамхон», «Кунтуғмиш» ва бошқа ўзбек халқ достонларида ўзликни танишга, Ватанни, эл-юртни севишга, ботир-шижоатли, халқсевар, адолатпавар бўлишга ундовлар яққол кўриниб туради.

Жумладан, «Равшан» достонида тарбия масалалари анча мукаммал ифодаланган. Асарда болани тарбиялашда оиланинг роли, оила аъзоларининг мустаҳкам бирлиги, улар ўртасида самимий муносабатлар ҳукм суриши, ота етакчи ўринда туриши зарурлиги алоҳида таъкидланади. «Равшан» достонининг педагогик аҳамияти шундан иборатки, унда болани тарбиялаш жараёнида қўлланиладиган методлар — етук одам қандай бўлишини тушунтириш, унга эришиш йўлларини ўргатиш, бу ҳақда қандай насиҳатлар қилиш кераклиги кўрсатилган.

Халқ педагогикасида одамнинг ақлий етуклигини таъминлашнинг асосий шарти — уни ёшлигидан ўқитиш ва тарбиялаш ҳисобланади. Шу боис «Равшан» достонида ҳам қадимдан ота-боболаримиз тарбияшунослигининг бу талабига амал қилинган. Асарнинг асосий қаҳрамонлари мактабда таълим олганлар, бу уларда энг яхши сифатларнинг таркиб топишига ёрдам берган.

«Равшан» достонида халқ педагогикасининг яна бир талаби одамни жисмоний чиниқтириш масаласи ҳам ўз ифодасини топган. Унда чавандозлигу, мерганликни мукаммал ўзлаштириб олган баҳодирларга таҳсинлар ўқилади. Шунингдек, достонда ахлоқий тарбияга ҳам катта эътибор берилиб, ватанпарварлик, инсонпарварлик, одамларни севиш, дўстлик, камтарлик, кишилар билан хушмуомалада бўлиш, ёмонликдан нафратланиш ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, достонда Равшан билан Хумор ўртасидаги севги самимий, ҳаяжонли тасвирланган.

Яна бир аҳамиятли томони шундаки, достонда эстетика масалалари ҳам четлаб ўтилмаган: яхши одамларнинг ташқи қиёфаси, кийимларининг чиройлилиги, табиат манзараларининг гўзаллиги чинакам бадиий маҳорат билан тасвирланган.

Умуман, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари асрлар давомида яратилган халқ тарбияшунослиги ғояларини акс эттиради. Достон ва эртаклар халқ педагогикасининг туганмас манбалари бўлиб, улардан тарбия булоқлари ҳамиша қайнаб туради. Шу боис ҳар бир ўқитувчи ўғил-қизларни тарбиялашда халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланиши зарур.

Абдулла АЛИМОВ,
Абдулла Қодирий номидаги ТДМИ катта ўқитувчиси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ 1995 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мақсадли аспирантурага:

Кундузги ўқиш учун: Математик таҳлил, Ватан тарихи, фалсафа, одобнома, ўзбек адабиёти, умумий психология, ёш ва педагогик психология, педагогика назарияси ва тарихи, фанлар бўйича ўқитиш услубиёти, махсус педагогика.

Сиртдан ўқиш учун: Ватан тарихи, ўзбек тили, махсус педагогика.

Аспирантуранинг кундузги бўлимида ўқиш учун 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун 45 ёшдан ошмаган, танланган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин камида 2йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий тадқиқот ишларига қобилияти бор кишилар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битиргандан сўнг олий ўқув юрти (факультет) кенгашининг тавсиясига биноан аспирантурага кириш учун бўладиган танлов имтиҳонларига қўйиладилар.

Аспирантурага кириш учун институт ректори номига ариза ва қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади: ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расм билан) таржимаи ҳол, охирги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси, имтиҳон ва синовлар варақасидан кўчирма, охирги иш жойидан оладиган маоши ҳақида маълумотнома, (кундузги аспирантурага кирувчилар учун) яшаш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома, эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, илмий ишлари эълон қилинмаган кирувчилар эса танланган ихтисослиги бўйича машинка ёзувида 20-25 бет ҳажмида илмий маъруза (реферат) топширади. Кундузги ва сиртқи бўлим аспирантурасига кириш имтиҳонларини топширишга рухсат этилган шахсларга уларнинг имтиҳонларга тайёрланиш ва топшириш учун иш жойларидан иш ҳақлари сақланган ҳолда 30 кунлик қўшимча таътил берилади.

Ариза ва ҳужжатлар 1995 йил 25 сентябрдан 25 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1995 йил 1 ноябрдан бошланади.

Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти илмий методик бўлимига (тел: 55-50-95), ректоратнинг илмий ишлари бўйича ўринбосари (тел: 55-52-30) га мурожаат қилинсин.

Бизнинг манзилимиз: 700064, Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 3-уй.

Бири кам дунё

ЗАВҚИЙДАН ЗАВҚ ОЛИБ

Завқий домла ўзининг «Аҳли раста ҳажви»ни Муймарак сайргоҳидаги баланд теракка илиб, бутун Қўқон аҳлини шов-шувга кўмиб ташлаган эди. Пермь вилоятининг Кунгур депараси фахрий журналистлари ҳам ҳартугул Завқий домладан хабардор кўринишади. Улар Октябрь инқилобидан олдин чиқиб турган «Кунгур варақаси» газетасини тикламоқчи бўлишди. Лекин босмахона ва бошқа харажатлар учун кекса газетчиларда маблағ топилмади. Шу боис, улар катта ҳажмдаги қоғозга мақолаларини ва сувратларни ёпиштириб, шаҳарнинг энг гавжум жойига илиб қўйишяпти. Бу деворий газета Кунгур аҳлида яхши таассурот қолдирмоқда.

ТУТУННИНГ ДУШМАНИ ТУТУН БЎЛАДИ

Қувайт парламенти яқинда жамоат жойларида, транспортда тамаки чекишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорни бузган кимсалар 50 динор (170 долларга яқин) жарима тўлаши шарт. Агар иккинчи марта шу ҳолат такрорланса, жарима ҳам икки марта ортади. Дарвоқе, заҳарни заҳар кесади, дейишади-ку. Парламент аъзолари юқоридаги қарорни тамаки тутунига бурканиб қабул қилишди.

ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАННИ ЧУҚУР «ҚУЙИЛТИРДИ»

Россиянинг Ростов тўқимачилик фабрикасининг иймонидан айрилган 58 ёшли қоровули мактаб ўқувчисига тажовуз қилишга ҳаракат қилди, бироқ ёш қизнинг қаршилигига дуч келди. Қоровулни тутишга ҳаракат қилишганда, чол қочишга тушди. Лекин қурилиш учун ковланган чуқур унинг оёғига «чил» бериб, ҳамма ёғини момоталоқ қилиб, қариб қўйилмаганни «қўйилтириб» қўйди.

БОЛАНИ СИЛКИМАНГ,

шунингдек, жеркиманг деб ўгит беришган ота-боболаримиз. Қарангки, Англия олимлари боболаримизнинг бу таълимотини қайта таъкидладилар. Олимларнинг кузатишича, силкитиш болани нафақат мия чайқалишию турли хил жароҳатга, балки ўлимга ҳам олиб келаркан.

Дарҳақиқат, бизда болани бешикка белаб, секин тебратиш маслаҳат берилади.

ТИЖОРАТНИ ЧИНЛИКЛАРДАН «ЎРГАНИНГ»

Бозорларимизда анқонинг уруғигача топилади, дея мақтаниб қўямиз. Лекин бу билан хитойликларни ҳайратга соламиз, деб ҳеч овора бўлманг. Нега дейсизми? Чунки, уларда... одамлар ҳам сотиларкан.

Сичуан вилоятининг Чунцин шаҳрида, бутун аҳоли иштирокида суд жараёни бўлиб ўтди. Жиноятчилар курсисида ўтирган 35 киши олти йил давомида беш аёл ва юзга яқин ёш болаларни ўғирлаб, Хитойнинг бошқа вилоятларида мўмай пулга сотишган. «Чорбозорчи»ларнинг тўртласи суддан кейиноқ отиб ташланди. Қолганлари эса узоқ муддатли қамоққа ҳукм қилинди.

Ҳа, бу тижорат олдида анқонинг уруғига йўл бўлсин.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0454. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456